

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ИЗЛАГАН ТАДБИР ТОШАР...

Самарқанд тарафга йўлингиз туша, Зарафшон дарёсидан ўтганингиздан сўнг Чўпонотадан ошишингиз билан чапдаги пасткамликда, Термиз йўналиши бўйлаб йўлнинг ўнг тарафда ажойиб, хушманзара олмазор боғлар кўзга ташланади. Турли навли олма кўчатларининг бир чизикқа экилиши, мафтункор бўзаллиги диққатингизни тортмай қолмайди. Бу, бир вақтлар кўчма Самарқандни жаннатонанд шаҳар деб номланишига сабаб бўлган Амир Темур боғлари - Боғи балеанд, Боғи дилқушо, Боғи зоғон, Боғи нақши жаҳон, Боғи шамол, Боғи беҳишт ва ҳоказо. Тўғри, бу боғлар соҳибқирон даврдан бери шу алфозда сақланиб тургани йўқ. Уни улуг бобомиз меросига содиқ самарқандликлар қайта тиклашган. Ҳозир бу боғи-роғлар Самарқанд тумани меҳнатқашларининг доимий эъзоз-эътиборида. Улуғларни, улар яратиб кетган меросни улуғлаган, қадрлаган киши кам бўлмайди, дейишади.

ТУМАНДА КОНЦЕРН

Ижодий сафаримиз чоғида туманда «қишлоққа саноатни кўчириш» нақлига оғишмай амал қилинаётганлиги, ҳатто концерн ташкил этилганлиги ҳақидаги хабар қулоққа чалинди. Журналистга хос «сенсация»га ўчлик бизни «Тоҳирий» концерни сари етаклади. Унинг раҳбарини «Тоҳирий мўлиён» фирмасининг замонавий мезморчилик санъати қондалари асосида қурилган нақшинкор бинодан топдик. Пастки қисми ва ҳовлиси ресторан, иккинчи қавати катта зал сифатида қурилган бу бино алюминий эшик, ром ва деворлар билан одам бўйи ҳолатида хоначаларга бўлинган, чинни плиталар билан полланган бу даргоҳ ўзи ҳам чиннидай тозаллиги билан диққатингизни тортади.

- Концерни 1988 йилда марҳум Тоҳир Исмаатуллаев кооператив тарзида очган, - дея корхона тарихи билан таништира бошлади унинг вице президенти Ҳабиб ака Саидов. - Тоҳиржон автохалокат туфайли ҳалок бўлгандан сўнг уни фирмага айлантириб, «Тоҳирий» дея номлашга қарор қилдик. Уша пайтлари фақат ёғочни қайта ишлаш билан шуғулланардик. Ҳозир эса фирмамиз бир неча соҳада фаолият қўраётганидан, йилига 50-60 миллион сўм соф даромад кўрадиган йирик концернга айланди. Бошқача айтганда ҳозир тасарруфимизда учта қўшма корхона, 5 та фирма ишлаб турибди. Жумладан, «Пирюз-наймон» ўзбек-эрон қўшма корхонаси алюминий эшик, ром, панжара

ишлаб чиқарса, Франция, Украина билан ҳамкорликдаги «Тоҳирий-Франс ЛТД» қўшма корхонасида бемалол жаҳон бозорига чиқарса бўладиган стол-стул, шкаф, идоралар учун мебеллар мажмуи ясалмоқда. Немислар билан келишув асосида «Тоҳирий-Минарекс» қўшма корхонасини очиб, Бавария технологияси асосида пиво чиқараёلمиз. Фирмалар ҳақида гап кетганда, «Тоҳирий мўлиён» аҳолига савдо ва умумий

публикамининг қарийб барча тарафларига жўнатилмоқда.

ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ ЗАВОДИДА

Сафаримиз йўналиши яна Катта ўзбек трактининг Термиз йўналиши томон бурилди. Бу ерда туманининг яна бир саноат корхонаси — «Стеклопластик» очик турдаги хиссадорлик жамияти жойлашган экан. Туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракати ва амалий ёрдами туфайли корхона мактаб ўқувчилари учун ўқув

ти Раҳима опа Ҳақимова биз билан суҳбатда. - Айниқса, Милан шаҳридаги «Мотовала» заводи билан имзолаган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимимиз келажақда ўз мевасини беради деб умид қиламан. «Стеклопластик» хиссадорлик жамияти шу завод билан қўшма корхона тузадиган бўлиши. Агар шу орзуларимиз рўйбга чиқса, туманимиздаги ушбу корхонада мотоцикл, велосипед ва ногиронлар аравачаси ишлаб чиқарила бошлайди.

Бундан ташқари у ердан майда тахтачалар олиб келиб, ўзимизда яшиқ ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Хизмат сафарида фирмаларимиз вакиллари ҳам бор эди. Улар Беларусиядан арзон нарҳдаги газ ва электр ўлчов асбоблари сотиб олишга келишиб олишди. Ушбу келишувлар самараси ўлароқ тумандаги «Машина-трактор парки» давлат акционерлик жамияти қошида бутун вилоятдаги «Белорусь» тракторларига техник хизмат кўрсатувчи ва эҳтиёт қисмлар билан таъминловчи катта станция ишга туширилди.

ҚУРИЛИШЛАР КўЛАМИ КЕНГ

Туманда қурилиш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу борада «Бинокор» қурилиш ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятига назар ташласангиз, кўплаб йирик объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилганлигининг гувоҳи бўласиз. Жумладан, биргина ўтган йилда «Равонак» қишлоғида жойлашган 31-касб-хунар билимгоҳи коллежга айлантирилиб, янги, замонавий бинога эга бўлди. «Туллобод» қўрғонидagi 900 ўринли ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги коллеж фойдаланишга топширилиши арафасида.

Туман аҳолиси табиий газ ва электр қуввати ҳамда ичимлик суви билан юз фоиз таъминланган. Яна яқинда бу ерда лойиҳа-смета ҳужжатлари 1 миллиард сўмдан зиёд бўлган янги автоматик станция қурилибди. Маҳалла ва қишлоқларда газ босимини кўпайтириш мақсадида бунёд этилган бу иншоот ишга туша, Самарқанд шаҳрининг ва қўшни Ургут туманининг бир қисмини юқори босимдаги табиий газ билан таъминлаш имкони туғилади.

Туман меҳнатқашлари қурилиш соҳасида катта бунёдкорлик ишларини амалга ошираётганларининг гувоҳи бўлдик. Анирқор айтиладиган бўлса, Мустақиллик байрами арафасида бу ерда 48 та маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилган экан. Шундан ўтати замонавий асосда қурилган мактаб биноси. Хулоса, Самарқанд тумани меҳнатқашлари истиқлол байрамини муносиб тўёнлар билан қарши олишаётир.

Хайрулла ҲАМРОЕВ



Туманда яна бир янги иншоотнинг фойдаланишга топширилиши лаҳзалари...

овқатланиш хизматини кўрсатади. «Жалолобод» фирмаси қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаради. «Тоҳирий-тур» хорижга сайёҳлар жўнатса, «Тоҳирий ором» фирмаси озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланади.

Концерн қўшма корхоналари билан танишар эканмиз, бу жойлардаги саранжом-саришталик, тартибли иш, энг муҳими, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат сифатидан тўла қониқиш ҳосил қилдик. Алалхусус, турли солиқлар ҳисобига давлатга бир йилда 90 миллион сўм фойда бераётган қишлоқ туманидаги ушбу концерн истиқлолимиз шарофатининг ёрқин намунаси.

Туман бир йилда 26 минг тоннага яқин сут ишлаб чиқаради. Эътирофга молик жиҳати шундаки, ишлаб чиқарилаётган сутнинг қарийб ҳаммаси шу ернинг ўзида қайта ишланаркан. «Парвина» сутни қайта ишлаш корхонасида сутдан пиллоқ, қаймоқ ва қатиқ олишдан ташқари 12 хил турдаги бежирим қадоқланган музқаймоқ тайёрланаркан. Туман корхонасида кўп миқдорда ишлаб чиқарилаётган бу хуштаъм музқаймоқлар рес-

жизҳозлари - парта, ёзув доскаси, стол-стул ҳамда тиббиёт ва спорт анжомлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Уч йилдири, корхона республика Олий таълим Вазирлигининг академик лицейлар ва коллежларни жиҳозлаш бўйича ўтказётган тендер савдо-танловида муваффақиятли қатнашиб келди. Корхона 2001 йил учун 213 миллион сўмлик буюртма олган. Айни пайтда корхона жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд ва бошқа вилоятлардаги ўқув муассасалари учун 9 хил турдаги ўқув жиҳозлари етказиб беришмоқда.

БЕЛОРУСИЯ САФАРИ ТААССУРОТЛАРИ

Ҳаракатда баракат, дейдилар. Айниқса ҳозирги шароитда «борига барака» дея хотиржамликка берилганлар ютқазди. Самарқандликлар эса доимо изланишда. Яқинда туман ҳокимлиги ва бир қанча саноат корхоналарининг раҳбарлари Беларусияда давлатида хизмат сафарида бўлишди.

- Хизмат сафаридан катта иқтисодий режалар ва таассуротлар билан қайтдик, - дейди туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депута-

Дон ризқ-рўзимиз, дейди халқимиз. Айни дамларда далаларимиздан йиғиштириб олинётган галла ҳосили пешма-пеш қабул пунктларига жўнатилмоқда.

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманидаги «Олтин бошқоқ» қабул пунктида иш қизгин. Етиштирилган сара дон ҳосилини навага ажратиш ва Тошкент дон маҳсулотлари акционерлик жамиятига юбориш уларнинг зиммасида.

Сувартада: Қабул пункти ходими Жамшид ҲАМРОЕВ.
Н. МУХАММАДЖОНОВ туширган суварат.



- Инқилоб Турсуновна, Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг фаолият қай тарзда кечаяпти?

- Юртбошимиз айтганларидек, "Биз тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, ҳуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз". Аҳолининг энг ноҳор қатламлари, етим-есирлар, кўп болали оилалар ва ўкув-

гояни илгари суради. Ўзбек оилаларида шарқона урф-одатлар, андиша қучликлик килиб, наркомания, токсикомания, жинсий алоқалар ҳусусида кам гапирилади. Боладан нимани сир тутиб, яширилса, унинг ўша нарсага қизиқиши ортади ва бу ҳол уни кўпинча хато қилишига сабаб бўлади. Бундай англашилмовчиликлар ўсмирни жиноят оламига бошлаб боровчи сабаблардан бири бўлиб қолмоқда. Мана шу салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Болалар

си" ва "Оилавий болалар уйлари" дастурларида ўз ифодасини топди. "Меҳр гўшаси" ("Теплый дом") дастури Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига маънавий-моддий ёрдам беришга йўналтирилган бўлса, "Оилавий болалар уйлари" дастури ота-онаси қолган болаларни ҳомийлик ва васийлик олган оилаларга маънавий ва моддий хихатдан ёрдам беришга йўналтирилган.

Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кундан бошлаб, юртимизда кичик ва ўрта бизнес,

вилояти ҳокимияти ва бошқалар фаоллик кўрсатдилар. Марказда пойфазал, нон дўкони, электрон-аппаратларни таъмирлаш устанонаси, тикувчилик цехлари фаолият кўрсатмоқда. Ишчиларнинг меҳнат қилишлари учун қатор шарт-шароитлар яратилган: ёш болали оилаларга мини-боғчалар очилиб, улар кунда бир марта бепул овқатланиш имкониятига эга. Бундай корхона Марғилон шаҳрида ҳам ташкил этилган. Ушбу Марказларнинг ташкил этилиши кишиларни ўз меҳнатларининг самарасини қўришга ундабгина қолмай, балки эртанги кунга ишонч уйғотиб, ҳаётга қизиқишини кучайтирмоқда.



ФАРЗАНД КАМОЛИ — ЮРТИМИЗ ЖАМОЛИ

Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси Инқилоб ЮСУПОВА билан суҳбат.

чи -ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш, жамиятда ўз ўрнларини топиб, бахтли ҳаёт сари йўллаш жамғарманинг асосий йўналишидир.

Ўзбекистон Болалар жамғармаси, унинг вилоятлардаги, шаҳарлардаги ва туманлардаги 17 бўлими асосан оила, оналик ва болаликни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза этиб келмоқда. Шунингдек, болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш унинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Шу мақсадда Ўзбекистон Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ, "Болаларни қутқариш" фонди (Буюк Британия), "Каунтерпарт Интернейшнл", "Ворлд Концерн", ПЭРРЦА, "Мерси проект" каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

- Фарзандларимизнинг эртанги кунда тўлақонли бахтли яшашлари учун нафақат соғлом ва маърифатли бўлиб ўсишлари, балки юсак ҳуқуқий билимли бўлиб етишishiлари ҳам даркор, шундай эмасми?

- Фикрингизга қўшиламан. Болаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга камҳўрлик кўрсатиш бугунги гунинг нафақат талаби, балки бугун жаҳон халқларининг муаммосидир. "Сизнинг ишторингиз болалар ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга ёрдам беради, чунки улар миллатимиз келажакдир", - дейди ЮНИСЕФ ваколатхонасининг раҳбари Руди Родригес. Бу борада дунёдаги барча халқларнинг орзу-истаги муштаракдир. Болалар бахтли ҳаёт кечиришсин, ўқиб-изланишсин, ўз ҳақ-ҳуқуқини танишсин. Ўзбекистон Болалар жамғармаси томонидан тайёрланган "Сенинг ҳуқуқларинг" деб номланган буклет айнан шу

жамғармаси ЮНИСЕФ Халқаро Ташкилоти билан ҳамкорликда бу йил "Болалар ва ўсмирлар орасида наркомания, токсикомания, жинсий алоқалар билан ўтвечи ва СПИД касалликларини профилактика қилиш" бўйича дастурни амалга оширишни бошлади. Ушбу дастур бўйича жамғарманинг "Ишонч" телефони мунтазам ишлаб турибди. Муржоат қилувчиларнинг саволларига тажрибали психолог, невропатолог, нарколог ҳамда ҳуқуқшунослар мунтазам маслаҳат бериб боришмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Болалар жамғармаси "Буни сен билишинг керак" мавзусига оид бўлган "Қийин суҳбат", "Хавфли кайф", "Мен ифратни танлайман" деб номланган буклетларни ишлаб чиқди ва ЮНИСЕФ ёрдамида нашр этди. Бу мавзулар бўйича жамғарманинг барча фаоллари республикадаги ёшлари ўртасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

- Болалар жамғармаси етим-есирлар, ногирон ва кўп болали оилалар, ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватладан ташқари, уларни эртанги кунга умид билан руҳлантирувчи, таъбир жоиз бўлса, уларнинг ўқиб-изланишлари ва касб-хунар ўрганиши учун жонқур ташкилот ҳамдир...

- Ўзбекистон Болалар жамғармаси нодавлат ташкилот сифатида меҳр-муруватга муҳтож гуруҳларга катта эътибор бериб келмоқда. Ногирон, кам даромадли оилаларга кўмаклашиб, қариндош-уруғлар қўлида тарбияланаётган етим болаларга хайрихолик кўрсатиш гуруҳи шу тариқа дунёга келди. Мазкур ишлар жамғарманинг "Меҳр гўша-



тадбиркорлик ишлари ривожланиб бормоқда. Шунга қарамай, аҳоли орасида ҳамон ишсизликдан қийналаётган ўсмирлар, хотин-қизлар мавжуд. Ўзбекистон Болалар жамғармаси касб-хунар эгаллашга қаратилган фаолиятини янада кучайтириш, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган болалар, ногирон болалар, ёлғиз аёллар учун қўшимча иш жойлари яратиш мақсадида бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Ана шундай хайрли ишлардан бири Андижон вилоятининг Андижон туманида ташкил этилди. Бу ерда касб-хунар ўргатиш, ишлаб чиқариш Марказини ташкил этди ва унга ҳомийлар томонидан икки қаватли бино ажратилиб, таъмирдан чиқарилди. Марказни асосб-ускуналар билан жиҳозлашга бевосита ЮНИСЕФ ташкилоти ёрдам берди. Хайрли ишларнинг амалга оширилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Дилбар Ғуломова, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Руди Родригес ҳамда Андижон

- Инқилоб Турсуновна, айни кунларда бутун жаҳон бўйлаб "Болаларга "Ҳа" дег" Халқаро Ҳаракати қизгин иш олиб бормоқда. Халқаро Ҳаракатнинг моҳияти ва Ўзбекистон Болалар жамғармасининг бу борада олиб бораётган ишлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

- 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг "Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция" сига қўшилиши давлатимиз болаларининг алоҳида ғам-ўрканли ва химоя ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатади. Бу йил сентябр ойда барча мамлакатларнинг раҳбарлари БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сессияда иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрида йиғилдилар. Сессияда 10 йил давомида қилинган ва келгуси 10 йилликка мўлжалланган ишлар муҳокама қилинади.

Болалар манфаатлари йўлидаги Халқаро Ҳаракат бу жараёнда барчани эътиборини жалб қилувчи кучдир. Халқаро Ҳаракатга ҳар бир мамлакатнинг фуқароси, ҳар бир давлат, хусусий ташкилот ва корхоналар, ҳар бир миллат етакчиси, ҳар бир бола ва ўсмир қатнашади. Ҳаракат болалар ҳуқуқини химоя қилиш ва болалар ҳаётининг муттасил яхшиланиб боришига эришиш учун бутун дунё бўйлаб кенг фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳам БМТ сессияси олдида Халқаро Ҳаракатнинг фаол иштирокчисига айланган. Ҳаракатда болаларнинг иштирок этишлари асосида дунёни ўзгартириш, уларнинг фикрини тинглаш, болалар ҳаётини янада яхшилаш Ҳаракатнинг мақсади ва қақриғидир. Республика Болалар жамғармаси бошчилигидаги Халқаро Ҳаракат айни кунларда Тошкент вилоятининг туманлари ва Тошкент шаҳри бўйлаб ўтказилмоқда.

- Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.

Фарида ТОХИРОВА

КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРИҢГ

2001 йилнинг 19-21 сентябрида жаҳон мамлакатлари раҳбарлари БМТнинг Бош Ассамблеяси махсус Сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йоркда йиғилдилар. Унда сўнги ўн йил давомида болалар манфаатлари йўлида эришилган ютуқлар таҳлил қилиниб, яқин ўн йиллик ичида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар муҳокама қилинади. Болалар манфаати йўлидаги Халқаро Ҳаракатни қўллаб-қувватловчи Юнисеф ташкилоти Сессияда иштирок этаётган мамлакатлар раҳбарларининг эътиборини ушбу ҳаракат яқунларига қаратади.

- Халқаро Ҳаракат - болалар манфаатлари йўлидаги ўзгаришларни амалга оширувчи ҳамда бу жараёнда барчанинг эътиборини жалб қилувчи кучдир, - деди Республика Болалар жамғармаси "Оила ва саломатлик дастури" бўлими бошлиғи Муҳаббат Ибодова. - Бу жараёнда ҳар бир мамлакатнинг ҳар бир фуқароси, давлат, хусусий ташкилотлар, корхоналар, ҳар бир бола ва ўсмир қатнашади. Болалар ҳуқуқини химоя қилиш ва улар ҳаётининг муттасил яхшиланиб боришига эришиш дунё халқлари амалга ошираётган фаолият билан бошланади.

М. Ибодованинг таъкидлашича, болалар иштироки асосида дунёни ўзгартириш Халқаро Ҳаракатнинг мақсади ва қақриғидир. Болалар ҳаётини яхшиловчи қарорларни ишлаб чиқиш жараёнига уларнинг ўзларини ҳам жалб этишимиз зарур. Кишилар ўн банддан иборат сўровномада болалар ҳаётини яхшилаш фаолиятига ўз муносабатларини билдирдилар. Хусусан, сўровномадан болалар манфаати, уларга билим бериш, болалар учун Она заминимизни асраш муаммолари ўрин олган.

Сўровнома Ўзбекистон Болалар жамғармаси томонидан турли ташкилотлар ва алоҳида шахсларга тарқатилган бўлиб, улардан учта бандни ажратиб кўрсатиш талаб қилинади. Сўровнома натижалари БМТнинг Бош Ассамблеяси махсус Сессиясига ҳавола этилади. Сўровнома саволларига жавоб қайтариш орқали ҳар бир фуқаро болалар ҳаётини яхшилашдек эзгу ҳақ хисса қўшиш имконига эга бўлади.

Махсус Сессиянинг иши яқунлангандан кейин ҳам Халқаро Ҳаракат болалар ҳуқуқларини химоя қилувчи куч сифатида майдонда қолади. Чунки у барчани болалар манфаати йўлида мумкин бўлган ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга қақратади.

"ТҮРКИСТОН-ПРЕСС"

ЎЗИНГИНИ НАМОЁН ҚИЛ

Республика Хотин-қизлар қўмитасида Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция бўйича БМТ қўмитасининг тавсияларини бажариш юзасидан Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга бағишланган анжуман ўтказилди. UNIFEM ташкилоти кўмагида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган семинарда давлат идоралари, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирликлари вакиллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, нодавлат ташкилотлар етакчилари иштирок этди. - Бир вақтлар машҳур шоиримиз Х. Ҳ. Ниёзий "Келди очилур чоғинг, ўзингнинг

намоён қил", деган эди. Қарангки, хотин-қизлар озодлиги, яъни уларнинг ҳар қандай зулмдан қутулиши учун кураш ҳозир ҳам давом этмоқда, - деди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова "Туркистон-пресс" муҳбирига. - Бунинг ёрқин мисолини бугунги халқро анжуман очилишида ҳам кўриш мумкин.

Д.Ғуломованинг таъкидлашича, 2000 йилнинг ноябр ойда пойтахтимизда "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция (CEDAW): уни амалга ошириш, мониторинг ўтказиш ва сарҳисоб қилиш" мавзусида халқро анжуман бўлиб ўтган эди. Унда тегишли вазирлик

ва идоралар, нодавлат ташкилотлари вакиллари билан бирга халқро экспертлар - БМТнинг CEDAW бўйича Қўмита аъзолари қатнашган эдилар. 2001 йилнинг 25-30 январ кунлари эса Нью-Йоркдаги БМТ штаб-квартирасида Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича Қўмитасига ушбу Конвенциянинг мамлакатимизда бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг бирламчи ҳисоботи тақдим этилган эди. Республикаимиз делегация аъзолари ҳисоботни муваффақиятли ўтказиб, қўмита аъзоларининг икки юзга яқин саволларига батафсил жавоб берди. БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича Қўмитаси тақдим этилган маърузани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, мамлакатимиз ҳукуматининг бирламчи ҳисоботига ўзининг яқу-

ний шарҳларини йўллади.

- Ана шу яқуний шарҳлар асосида бугунги семинарда қўмита йўллаган тавсияларни амалга ошириш юзасидан 2001-2005 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Унда олтига асосий устувор йўналиш белгиланган бўлиб, булар - хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш юзасидан Конвенция талабларини амалга ошириш; иқтисодий соҳасидаги имкониятларини кенгайтириш; аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш; зўравонликни бартафоз этиш; қишлоқ хотин-қизларининг иш билан бандлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларида аёллар мавзусини ёритишдир, - деди Д. Ғуломова.

"ТҮРКИСТОН-ПРЕСС"

Эшикни тақиллатиб 50-55 ёшлардаги онахон рухсат сўраб кириб келдилар. Салом-аликдан сўнг онахоннинг маънос чехрасига тикилдим. Секин онахоннинг юрагига қўл солдим.

- Эҳ-ҳ, болам, нимасини айттай, ая оғир хўрсинди. - Умрим бино бўлиб бирор жойга ҳасрат ёки шикоят қилиб бормаганман. Бу ерга ҳам

кўрсатиб маслаҳат қилсам қовоғини уйиб олиб: "Ёқмаяпманми, кетайми, кетаман", - дейди ёки уйига қамалволиб ухлайди. Шу алфозда уч фарзандли ҳам бўлди. Лекин одати сира ўзгаргани йўқ. Етти йилдан бери аразлаб кетавериб оилада, маҳалла-кўй олдида ўз обрўсини, ҳурматини йўқотди. Биз бошида аразлаб кетгани учун бирикки марта бориб олиб келдик. Бора-

бирортаси ҳали аразлаб ёки ношудлиги учун ланат эшитиб уйга қайтиб келгани йўқ. Буни Сирғали туман хотин-қизлар кўмитаси ҳам, маҳалла раислари ҳам, кўни-қўшнилари ҳам яхши биларди. Уйимизга келган ўша хотин-қизлар раисию, маҳалла оқсоқоллари бизнинг оиламизни қандайлигини қудамизга обдон тушунтирди. «Сиз

Таърифларингиздан бири

да қандай рўзғор тебратлади. Яна ўғлим бечорага қийин бўлади, яхшиямки ўғлимни мўмин-қобилгина қилиб тарбиялаганман. Базида хотини ухлаб ётганида ўзи овқат қилиб кетаверади. Кўрдингизми болам, сизлар кўпинча биз қайноналарни ёмонлайсизлар, мана бунақа ношуд, тепса-тебранмас, рўзғор, оила бошқаришни билмайдиган келинлар ҳақида ёзмайсизлар, танқид қилмайсизлар?

Ўғлингиз севиб уйлانган экан...

нолиб ёки кимнидир ёмонлаш учун келганим йўқ. Шунчаки сизлар билан фикрлашгани келдим. Балки маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатарсизлар. Сизлар - журналистлар қайнона-келин ҳақидаги мақолаларда фақат қайнонани ёмон отликқа чиқарасизлар, бу инсофдан эмас, ўғлим.

- Тўғри, аммо... қайнона қайнама-са, келин айнамайди деган нақл ҳам бор.

- Беш қўл баравар эмас. Дунёда яхши келинини қиз ўрнида кўриб тарбиялаб олган ёки бирор марта сан-манга бормаган қайноналар ҳам бор-ку. Мен ҳам ёлғиз ўғлимни уйлантиргач, қайнона бўлганимга етти йилдан ошди. Келиним қизимдек бўлади, деб ният қилган эдим. Афсус, адашган эканман. Энди ўйласам, онасини суриштирмай, қизини билмай келин қилибман. Келиним мен орзу қилгандек чиқмади. Ҳа, майли, ҳали ёш-да, тарбиялаб йўл-йўриқни кўрсатиб ўргатаман деган илнжда эдим. Биласизми, у ҳатто овқат қилишни ҳам билмас эди. Овқат қилишни зўрга ўргатдим. Бошида ўғлимнинг бахтига тўғаноқ бўлмай деб келинга қарашган бўлиб овқатни ёки бошқа юмушларни ўзим қилавердим. Ўғлим бояқши шофёр бўлиб ишлайди, автобус ҳайдайди. Эрталаб тонг сахар кетиб кун ботганда кириб келади. Унинг кайфиятини бузмаслик учун келининг ёмонини яшириб, яхшисини ошириб келардим. Нотўғри қилган ишини



бора ўғлим жонига текканидан қўл силтаб қўйгандан кейин ўзи қайтиб келадиган бўлди. Биласизми, аразлаб бирикки ҳафта кетган кунлари невараларим ҳатто ойим қани деб сўрашмай-диям. Куйгандаям ўғлим бечора куйди. Яқинда аразлаб кетганида онаси туманимиз, маҳалламиз хотин-қизлар кўмитаси раисларига бориб бизни ёмонлабди. Ажратиб оламан, қизимга кун бермайдиган қайнона билан яшайдиган кўра бева ўтгани маъқул дебди. Болам, биласизми, мен уч қизни воёга етказиб уйли-жойли қилганман, икки қизим шу маҳаллада келин бўлиб қолган, 8-10 йил бўлаятти, улардан

ундай тўхмат қилманг, бу оила маҳалламиз кўрки, бошқа оилаларга ўрناق бўлиб келадиган ибратли оила, ҳамма айб қизингизда экан-ку», - деб яна яраштириб кетишди.

Шунча гап-сўз, тўхматлардан кейин ҳам кўзимни чирт юмиб ёмонликларни нуутдим. Зора, келинжонимни боши деворга урилиб кўзи очилгандир дедим, аксинча бўлибди. Энди уйга кириволиб кўни ухлайди, болалари билан иши йўқ. Ҳайронман, бу аёлнинг яшашдан, оила тебраттишдан мақсади нима экан? Ахир бизни ҳам Худо бу дунёга устун қилиб яратмаган-ку, бизсиз ёлғиз қолгани-

- Келинингизни шундайлигини билар экансиз, онасига айтмагансиз?

- Э-э-й, минг марта айтганман. Ҳар гал қизи қолиб бизга захрини сочиб кетган. «Эрка ўсган қизимни сизларга бердим, аста-аста ўрганади-да», - дейди...

- Ўғлингиз ўзиям бўш кўринади, келин бўлиб тушгандан кўлга олмайдими?

- Ха-а, бу гапингиз ҳам тўғри, ўғлимни анча ювошлиги панд бериб қўйди-да.

- Фикрларингиз, эътирозларингиз ўринли. Келинингиздек келинлар масаласига келсак... Энди битта-иккита ёмон келинларни деб, бутун ўзбек келинларини ёмонлаш инсофданми?

- Менга қандай маслаҳат берасиз ўғлим?

- Онажон, ахир бу соҳада биз сиздан маслаҳат, йўл-йўриқ олишимиз мумкин. Ўғлингиз севиб уйлانган экан, уч фарзанди бор дедингиз, қўйинг, майли, тинч-тотув, аҳил бўлиб ашай-веришин. Бир кун эмас, бир кун келинингиз ҳам бу ҳаётда тепса-тебранмас бўлиб яшаш мумкин эмаслигини тушуниб етар. Келинг, яхшиши хулосани ва маслаҳатини кўпни кўрган онажону-отаконлардан оламиз. Бу борада хотин-қизлар кўмиталари раислари ва маҳалла оқсоқоллари ўз фикрларини билдиришар деб ўйлаймиз. Қани, ким қандай мулоҳаза билдирааркан. Хатларингизни кўтиб қоламиз.

ДИЛШОД

СЕНИ ТАШЛАБ КЕТАЁТИРМАН...

Тўхтовсиз жиринглаётган телефон гўшагини кўтардим: "Опа, опахон, илтимос қўйиб қўйманг... Сизга гапим бор", - деди ботинмайгина бир қиз. Сўнг: "Мени эрга беришга кетмай, опахон. Нима қилай энди?" - дея йилга юборди.

- Ие, ана холос, тўй бўлар экан шунга ҳам йилгайсизми? Ахир тўй хурсандчилик-ку, қандай яхши. Илоё ҳаммани ҳам тўйга етказсин, дедим.

- Йўқ опахон, агар кўпчилик қатори севиб-севилганимга турмушга узатишгаётган бўлса-ку, мендан бахтли қиз бўлмас эди. Афсуски... Кейин куёв ҳам мендан 10 ёш катта экан: Тунов кўни янгалари келиб бизни таништириб кетишди.

нинг эгаси бўлиши, ҳаётда озми-кўпми ўзининг ўрнини толиб кейин ўз қалбига мос, севган йигитига турмушга чиқиб керак эмасми? Келажакда ўқишга кириб дадам каби ҳуқуқшунос бўлмоқчи эдим. Мен ҳали ота-онам бағрида яшашни, оилавий ҳаёт, никоҳ, она бўлиш ҳақидаги тушунчаларга бироз эга бўлишни ҳам истайман. Онам шифокор бўлиб ишлайди. У кишига йилгаб гапирсам:

"Раъно, сени шу йигитга берамиз. У ҳаётнинг пасту-баландини яхши тушунади. Сен ўқиб ё ишлашинг шарт эмас, у билан бахтли бўласан, - деяптилар.

- Ўзингиз онангизнинг бу сўзларига нима дейсиз?
- Балки кўпни кўрган ота-онам менга яхши бўлишини ўйлаб шу тагли-тахтли йигитга узатишмоқчидир. Балки... Айрим қизларнинг ўйламай қилган ишларини кўриб-билиб ташвишга тушаётгандирлар. Ота-онамиз биз фарзандларини жуда яхши кўришадия лекин...

- Лекин сизнинг кўнглингизни тушунаётганлари яхши

бўлмабди-да. Синглим, бир-бирларини синашмай турмуш қуришса-да бахтли умр кечираётган ибратли оилалар ҳам бор-ку.

- Ҳамма гап шундаки... Мен ўзимдан бир ёш катта йигитни ёқтираман... У ҳам мени севади. Лекин Улуғбек ҳам мен каби ўқишга кирмоқчи. Улуғбек бу гапни эшитиб роса тушкунликка тушиб қолди. Лекин ақли йигит бўлгани боис изтиробларини менга

Қўнғироқларингиздан бири

билдирмасдан, ўзини тутишга ҳаракат қилапти. Улуғбек мени ҳеч қачон унга олмайди. Мен-ку, энди тақдирга тан бераман. Чунки қўлимдан бошқа ҳеч нарса келмайди-да. Тўйимизни 10 июлда бўлиши ҳам белгилаб қўйилган. Севгим бир умр армон бўлиб кўнглимда қолади-да, энди... Мана бу шеъримни босиб чиқаринглар, илтимос... Уни Улуғбек ҳам ўқишини истардим. Чунки, уларнинг оиласида шу газетани яхши кўришарди.

Улуғбегим қайтмас баҳорим, Сўзларингга бўлмас маҳлиё.

Ўта маҳзун қарашларингизнинг Бир меҳмони эрур бу дунё. Улуғбегим бегуборгинам, Хаёлларга айланган кўнгли. Содда қалбинг меҳмонларини Пушаймонга бермайин севгил. Улуғбегим яхши қол энди, Сени ташлаб кетаётирман. Йўлларингизда қолган муҳаббат Изларини кутаётирман. Ҳозир уйимизда ҳамма хурсанд, ҳаммаёқда тўй таралдуди. Мен эса ўнинчи июлгача яшайманми йўқми, билмайман...

- Синглим, бу қадар тушкунликка берилишингиз яхши эмас. Сиз катта ҳаётнинг остонасида турибсиз. Эҳтимол ўша сиздан ўн ёш катта бўлган йигит шунча йил илмга ёки меҳнатга берилиб, ўз оиласининг бекаму-қўст яшаши учун замин ҳозирлагандир. Балки кўпни кўрган ота-онангиз ўзлари сизга ҳар томонлама маъқул, ақли йигитни муносиб кўришгандир.

- Ахир Улуғбек иккимизнинг севгимиз...
- Ўша сиз севги деб атаган тўйгу ҳаётнинг арзимаган бир қийинчилиги ёки муаммоси олдида йўқ бўлиб кетмаслигига ишонасизми?

- Менга қандай маслаҳат берасиз, ҳозир иккиланиб қолдим-да, опахон?..

- Ўзингиз айтганингиздек қиз бола бир кўни турмушга чиқади. Ўйлаймизки ўқимишли ота-онангиз ҳар томонлама ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиб сизни шу йигитга лойиқ кўришган. Меҳр кўзда дейдилар, сингилжон! Бир марта кўриб дарров ҳафсалангиз пир бўлмасин. Турмушининг пасту-баланд йўлларидан айнан ўша йигит сизни етаклаб кетар... Ҳали бир кўни жуда бахтли келинчак, бахтиёр она бўлиб унга турмушга чиққанингиз учун ота-онангиздан минг бор рози ҳам бўларсиз. Зеро, ота-онанинг рози ризолиги ила турмуш қураясиз, асло кам бўлмайсиз. Ва кунларнинг бирида қувнок, бахтиёр овозингиз билан яна редакциямизга кўнғироқ қилиб бизга ташаққур айтарсиз. Азиз Сингилгинам! Бугун сизнинг юрагингизга ёғаётган ёмғирлардан бахт ва севги гуллари ўсиб чиқсин ва сиз келин бўлиб бораётган хонадоннинг остоналарига тўшалсин. Сиз албатта бахтли бўласиз. Шундай бўлишига биз ишондик сингилжон, сиз ҳам ишонинг!

БАСИРА

СЕНИ СЕВСА, КЕЧИРАДИ

Фарходжон ўғлим! Мактубингни ўқидиму, қалбимда пайдо бўлган гапларимни ёзишга жазм этдим. Чунки сен бу мақола орқали юртдошларимизнинг фикрини билмоқчи бўлибсан.

Хаёт сени анча ўз синовларидан ўтказибди. Уйланибсан. Мактубингдаги: "Қиз ақлли, эсли-ушли, камтарин, чиройли, ўқимишли... Турмуш ўртоғим уйдагиларнинг ҳеч бирини сўзини икки қилмас, ҳурматини ўрнига қўяр, ширинсўз, пазанда, мактаса арзигулик, вафодор ёр эди" деган жумлаларни ўқиб ниҳоятда хурсанд бўлдим. Аммо бахтинга кўз тегибди-да ўғлим. Ҳа, бахтингни кўролмайдиган галямислар иғво-фасод гаплари билан турмушингни бузмочки бўлибдилар. Бундан

дай оғир вазиятда ҳар бир ишни босиқлик билан ҳал қилиш керак эди. Русларда бир гап бор: "Вер, но провер". Ишонгин дўстми у, душманми у, гапига. Лекин энг аввал ўзингга ишон, юрагингга ишон, текшириб кўр. Сўнгра

мати-ю, сени чин дилдан севганими? Уни хонадонингга қолдириб, якка ўзинг кетганинг, бу ўтакетган виждонсизлик. Анчадан кейин келиб ажрашибсан.

Ота-онанг сени яна уйлантирибдилар. Бу хотининг аввалги турмуш ўртоғингни теска-риси экан. Ана кўрдингми, хаёт ана шу ерда сени ҳам, ота-онангни ҳам жазолабди. Ҳалиям кеч эмас, ҳақиқатан ҳам К.ни севсанг бориб кечирим сўра. Юз бор уйлансанг ҳам биринчи марта муҳаббат изҳор қилган турмуш ўртоғингни тополмайсан... Бир мисол:

... Кўшни кишлогимиздаги бир кишининг қизини, бир кишини ўғлига унаштирилади. Яхши тўй бўлиб ўтди. Қиз ҳам, йигит ҳам бир-бирига жуда муносиб. Улар жуда ҳам бахтли оила қуришди. Орада фарзандлар туғилди. Сен мактубингда ёзганингдек, бу оилада ҳам гиди-биди кўпайди. Охири йи-

гит хотини ва болаларини уйдан ҳайдади. Орадан 3-4 йил ўтди. Йигит кўшни тумандан уйланди. Фарзанд туғилмади. У аёлнинг аввалги эри қамоқда экан. Келганидан сўнг, аёлини олиб кетди. Йигит яна уйланиш фикрига тушди. Қишлоқ аҳли орага тушишди. Йигитни аввалги хотини ва фарзандлари билан яраштиришди. Йигит келиб, қайнона-қайнотаси ва турмуш ўртоғидан кечирим сўради. Оила яна тикланди. Мана ҳозир улар ниҳоятда аҳил ҳаёт кечираяпти.

Ҳа, Фарходжон ўғлим, бари-сига ўзинг айбдорсан. Ҳалиям фурсат бор. К.нинг ота-онасидан ва ўзидан кечирим сўра. Хаёт инсонга бир марта берилди. Агар К. ҳақиқатан ҳам сени севса кечиради. Бунга менинг ишончим қомил!

Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ
Бухоро вилояти,
Ғиждуво тумани



ЭСЛАТМА: Хотиним ниҳоятда пазанда, дилбар, ақлли эди. У билан ширин турмушимиз узоққа чўзилмади. Уйдагилар туфайли орамизга совуқчилик тушди. Хотиним уйига кетиб қолди. Иккинчи бор уйландиму, афсуски қаттиқ янглишганимни англадим.

ФАРҲОД

бир хулосага кел.

Албатта ота-она, қавм-қариндош, ака-уқалар ҳам керак. Хотин ҳам керак. Бундай қалтис вазиятда бир қарорга келиш ниҳоятда қийин. Ўзинг ишонадиган қавм-қариндош, ёки маҳалла оқсоқоллари ёки қишлоқ қарияларига оилавий аҳволингни тушунтирсанг, сenga яхши маслаҳат берадилар.

Фарходжон ўғлим, шундай оғир дамда севгилингни ташлаб, номардларча қочиб Тошкентга борибсан. Хотинингни айби ота-онангга қилган хиз-

бир хулосага кел.

Албатта ота-она, қавм-қариндош, ака-уқалар ҳам керак. Хотин ҳам керак. Бундай қалтис вазиятда бир қарорга келиш ниҳоятда қийин. Ўзинг ишонадиган қавм-қариндош, ёки маҳалла оқсоқоллари ёки қишлоқ қарияларига оилавий аҳволингни тушунтирсанг, сenga яхши маслаҳат берадилар.

Фарходжон ўғлим, шундай оғир дамда севгилингни ташлаб, номардларча қочиб Тошкентга борибсан. Хотинингни айби ота-онангга қилган хиз-

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМАН

Дилфуза синглимизнинг дил изҳорлари анчадан бери ёзмоқчи бўлиб юрган фикрларимга туртки бўлди.

Дилфузахон, мен сиздан 10 ёш каттаман. Умр йўлимда анча қийинчиликларни кўрдим. Тўғри ёзибсиз, бу дунёда хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин сирдоши, суянган инсони бўлиши керак. Бўлмаса яшаш жуда қийин бўлади.

Оллоҳ эркак ва аёлга муҳаббатни бир хил берган. Фақатгина эркаклар муҳаббат сирини ошқора қилишмайди. Сизлар эркакларни кўпол деб биласиз. Лекин ҳаётда ундай эмас. Эркаклар ҳам чин дилдан севишади.

Ахир биз ҳам инсонмиз, бизнинг ҳам юрагимиз бор. Севишга биз ҳам ҳақлимиз ва сева оламиз.

Агар эркак киши аёлни севса аёл бахтли бўлади дейишади. Синглим Дилфуза! Юрагингизга қўлоқ солинг. С. сизни алдаб юриши мумкин эди-ку! Лекин у сизни алдамади, хаёти тўғрисида жиддий ўйлаган. "Бирдан-бир айби - уйланганлигини маълум пайтгача яширганлигини", дебсиз. Бу айб эмас. Агар шу гапни биринчи кун айтганида сиз у билан гаплашмаган бўлар эдингиз. Бу бошингизга тушган севги, муҳаббат Оллоҳнинг бир синови. Шу синовдан ўтишда сизга омад, бахт тилайман! Маслаҳатим, кейин афсусланиб юрманг. Қайси йўлни танлаган бўлсангиз ҳам.

С. исмли биродаримга жуда қийин. Негаки шундай қисмат менинг ҳам бошимга тушган эди-да. С.га келса, дўстим, Оллоҳ сизнинг омадингизни берсин. Ҳаётда ўз ўринингизни ва бахтингизни топинг.



ЭСЛАТМА: С. билан тасодуфан танишиб қолдик. У ниҳоятда олижаноб, ақлли ва камтаринлиги туфайли юрагим тўридан жой олди. Қўнларнинг бирида у уйланганлигини, қизи борлигини, бироқ мени ҳам жондан ортиқ кўришини айтди. Уни севаман, аммо...

ДИЛҲУЗА

Синглим Дилфузахон! Кўнги дардларингизни қайта-қайта ўқиб, қаттиқ таъсирландим. Ёшим 34 да. Олий маълумотлиман, 2 фарзандим бор. Дилфузахон сўзларингизни ўйлаб кўриб сизни жуда ақлли, оқила, фикрлаб, ўйлаб иш қиладиган қиз эканлигингизни сездим. Сингилжоним, сизга энг аввал бир сўзини айтмоқчиман: Бировнинг бахтсизлиги эвазига инсон ҳеч қачон бахтли бўла олмайдми. С. акангиз агар мард йигит бўлганида сиз билан бир ёки икки учрашувдаёқ ўзининг оилали эканлигини очик айтиши лозим эди. У эса сизни ўзига ўргатиб олиб, яъни се-

кўймайди. Фарзанд туфайли ҳам ширин муомала қилади. Дилфузахон! Кўнги дафтарингизда ёзган бир сўзингиз менга жуда ёқди: "Мен унинг ёлғизи эмасман" деган ўй ҳамма вақт мени қийнашидан қўрмаман". Ҳақиқатан ҳам С. акангизни хотини билан боғлаб турадиган фарзанди бор-ку, ахир. Шу гўдакнинг уволи сизни қийнамайди? С. акангизнинг "хотинимни аввал танимасдим, фақат расмини кўрганман", -деган сўзларига ҳеч ҳам ишонмадим. Чунки ҳозир ҳар бир ёш учрашувга чиқади, бир-бирини кўриб сўнгра турмуш қуради. С.нинг бу

сўзларидан қадим вақтларни кўз олдимга келтирдим. Дилфузахон, С. билан турмуш қурдингиз дейлик, ҳар қандай турмушингиз ҳам мушти бўлади-ку. Шундай пайтларда С. сиздан ҳам камчилик топса қандай бўлади. Сингилжоним, эндигина 20 ёшга кирибсиз, ҳали сизни уйланмаган йигитлар ҳам олиши мумкин. Шахсан мен 25 ёшимда турмуш қурган бўлсам ҳам турмуши бузилган йигитлардан севчи келганда онам рози бўлмаганлар. Аллоҳдан уйланмаган йигитни менга турмуш ўртоғи қилишликни сўраганман. Бехисоб шукрлар бўлсинки, ўзимдан уч ёш катта бўлган олий маълумотли йигитга турмушга чиқдим. Жуда ҳам бахтлиман.

Турмуш қуришда шошилманг. Аввало онангиз яқин сирдошингиз. Улар сизга ёмонликни раво қўрмайдилар. Онангизга ёққан оилага келин бўлинг. Худо хоҳласа С. дан ҳам афзалроқ йигитни учратасиз. Токи оиласи бузилган инсонга турмушга қичиб бир умр армон билан яшаманг. С.ни эса ёдингиздан чиқаринг.

«Бир қарорга келолмаяпман»—18-сон

ТУРМУШ ҚУРИШГА ШОШИЛМАНГ

НАРГИЗА
Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани

Тошкент

АБДУЛАЗИС

ТАҲРИРИЯТДАН: Хурматли Дилфузахон, дил изҳорингизга келган бу икки акс-садода икки хил фикр билдирилган бўлишига қарамай уларнинг ҳар иккаласини ҳам чоп этмоқдамиз. Тақдирингиздаги ягона, тўғри йўлни барибир ўзингиз топишингиз керак. Сизга бахт ёр бўлсин.

БУНДАЙ «ОИЛА УСТУНИ»НИНГ БОРИДАН ЙЎҒИ ЯХШИ

Синглим Маҳбубахон, таҳририятга қилган кўнғирогингиздан бошингизга тушган севги можаросини ва бетоб онангизнинг аянчли аҳволини билиб жуда-жуда ачиндим. Ўзингиз ақлли, мулоҳазали қиз экансиз, компьютердан сабоқ олиб, ишлашга ўрганибсиз, бу жуда яхши! Лекин Ўтқирга дуч келганингиз ёмон бўлибди. Биринчи танишувдаёқ унга телефонингизни берганингиз яхши бўлмабди. Чунки аёлларнинг (айниқса қизларнинг) тупроғи енгил бўлади.

Унинг гапини ўнг қулоғу, чап қулоғингиз билан эшитиб, ҳис

қилинг-а! "Менинг ниятим покиза қизга уйланиш. Ҳозир ҳеч қайси қизга ишонч йўқ. Ўзим ҳам нечтасини..." Бу ҳам етмаганидек, чекиш чекмаслигини сўраганингизда: "Ҳа, энди йигитчилик-да... Йигит бўлган қизлар билан юради, ичади, чекади. Керак бўлса «оқи»дан тотиб юради. Қиз боланинг эса йўриги бошқа", - депти тап тортмай. Бунга севги "юлдуз кўрмай, жон бергани" афзал. Айтиб қўяй, ичувчи қайликдан рўшнолик кўрмайсиз.

Ҳа, севиб севилаётган ёшлар оғоҳ бўлинг:

Ароқ разолатнинг сабабчисиدير, Минг бир офат эрур зимнида ниҳон. Кўз ёши, изтироб,

ташвишу алам бари шиша ичра топмишдир макон. Ичувчи билгилки, кўлингиздаги май, Гўёки дўзахнинг захридир - офат. Ҳаётинг захарлаб, дилингни ўртаб, Гадо қилгусидир бир кун оқибат. (Анвар Ҳожиаҳмад. "Жан-

нат қалити"дан) Синглим Маҳбубахон! Ўтқир сизга уйланмаса бу дунёдан тоқ ўтажанини айтибди. Бундай

йигит уйланмасдан хасратда ўтсин, ундан бутунлай воз кечинг. "Тақдирим онамникига ўхшамаслигини истайман", - дебсиз зорланиб. Бундай йигитлар қизга эришгунча сийсифат қилиб туради-да, тўй ўтгач нағмасини бошлайдми. Ф. Тоҳирова таърифлаганидек: "Оталар оилани кўрғони, ҳаётимиз сарвари, энг ки-

ЭСЛАТМА: Маҳбуба Ўтқир билан дугонасининг туғилган кунида танишганди. Маҳбуба бора-бора унинг ёмон хуқ-атворидан озоҳ бўлиб кўнгли қолди. Чунки دادаси ҳам ичкиликка берилган, енгил ҳаёт кечирини яхши кўрар, шу туфайли уларга ҳам меҳрсиз эди.

Ф. ТОҲИРОВА

йин дамларга суянувчи устунимиз, ёрқин келажгимиз чароғбони-ку! Лекин буни акси бўлган, ичувчи, топган-тутганини бузққ аёлларга соуврувчи, фарзандлари тақдирга панжа орасидан қаровчи "Оила устуни"нинг боридан йўғи яхши!

Илоҳо, ёмонларга ўзинг инсофу тавафқ ато эт Оллоҳим!
Афифа ҲАСАН қизи

Хурматли Кароматхон МУХАММАДИЕВА!

Шавалуд айёминининг 60 йиллиги муборак бўлди. Сиз бу улуғ ёта туғилган турки идораларда масъул вазифаларда ишлаганингиз, 8 нафар фарзандинингизни камолатли инсонлар қилиб тарбиялаганингиз, Бугун ҳам шумандаги "Соғлом аълод улуғ" жамиятнинг бошқарувчисиз. Сизга соғлиқ, узок умр ва бахтли саодат тилаймиз.

Васида Алимова, Бахмал туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси, Тўлғоний Келдибекова ва туманининг барча фаол аёллари

Онажонимиз Сурайё СУЛТОНОВА!

Сизни шавалуд айёмининг 18 йиллиги билан турмуш кўраганингизнинг 18 йиллиги билан таъриқлаётимиз. Бахтинингиз ҳамisha соғ бўлиб, бизнинг роҳатимизнинг кўрби юртин.

Фарзандларингиз Муҳайё, Муқаддас, Дилмурод, умр йўлдошингиз Аҳатжон

«МА' MURA - ZIYO» ЎҚУВ МАРКАЗИ

Куйидаги касблар бўйича малакали кадрлар тайёрлайди:

Дизайнерлар - 2 ой (1 ойга 5000 сўм). (Замонавий кўринишга хос пардалар, чойшаблар, ёстиқ, дастурхон ва ўйинчқлар). 2001 йил тақдимотлари.

Умумий тоифали уста бичувчи - 3 ой (1 ойга 4000 сўм).

Уй ҳамшираси - 2 ой (1 ойга 5000 сўм).

Торт, салат ва европа таомлари бўйича пазандалар - 2 ой (1 ойга 5000 сўм).

Машгулотларни олий тоифали мутахассислар олиб боради. Машгулотлар ҳафтасига 3-4 кун. Битирганларга диплом берилади.

МАНЗИЛ: "Юлдуз" фабрикаси "Юность" Гўзаллик саломи, 2-кават. Молия олийгоҳининг ёнидан қирлади.

Тел.: 121-77-96, 125-73-66.

Замонавий усулда енгил ва устки кийимларни тикиш ва бичишни моделлаштиришни ўргатаман.

Турли тантаналар учун тортлар ва пиширикларни ўргатаман. Буюртма қабул қиламан.

Тел: 64-72-93, 116-01-01

Никоҳ ва оқшом либосларини ижарага берамиз.

Аёллар ва эркакларнинг устки кийимларини бичиш ва тикишни ўргатамиз.

Байрам ва тўй тортларига буюртма оламиз ва ўргатамиз.

Тел: 116-01-01, 116-71-11

Балзам-доривор ўсимликлардан тайёрланган ичимлик. Ҳар қандай ёшдаги одамга илҳомий таъсири бекиёсдир. Тийрак фикрлашни, доимий тетикликни таъминлаб қаттиқ ҳаяжон, руҳий зарбани бар-тараф этади.

Тел: 117-60-17

Фақат эркаклар учун "Муҳаббат" препарати. Доимий тетикликни таъминлайди.

Т: 117-60-17

Озиш 10 кг. гача. Гербалайф эмас. Т: 117-60-17

Кўрпа, кўрпача пахта солиш, тикиш, қавиш ишлари билан шуғулланаман. **Тел.: 40-18-42.**

Ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназияси томонидан 2000 йил **Раҳмонов Мурод Ҳабибуллаевичга** берилган **О'Р - А № 909720** рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шарафнома йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛНАДИ.**

ОИЛА - 28

32 ёшли, ўқимишли, ақлли, уй-жойли, турмушга чиқмаган қиз, уйим-жойим дейдиган, самимий, ўзига тўқ, олижаноб 35-40 ёшгача бўлган эркак билан оила қурмоқчи.

Газетхонлар ижодидан

УЙЛАНАЁТГАН ДЎСТИМГА МАСЛАҲАТИМ

Дўстим, сенга ушбу кун қилай жиндек маслаҳат, Насихатмас, насихатга сал ёшим кичик албат. Бугун мана уйланысан, бошингда турли ҳаёл, Иккилиши, ҳаяжон, юрагингда минг савол. Шунинг учун сенга сал йўл-йўриқ кўрсатайин, Келинчаққа муомала йўлин мен ўргатайин. Ёнингдаги шу ёринг бир умр сенга ҳамроҳ, Кувонсанг кувончинг у, қайғурсанг чекади "оҳ". Шудир кўнглинг олувчи, тушуңгучи қалбингни, Яхшингни оширгувчи, яширгувчи айбингни. Шудир сенга зўр сирдош, айтмас ҳеч бир сирингни, Ҳам супулар ҳовлингни, ҳам овади қирингни. Шудир сени уйингни гулда қилиб ўлтирар, Сенга фарзанд ато этиб, армонингни ўлдирар. Кей кун бўлиб бемор, тегса ёстиқча бошинг, Тетангда парвона шу, беради иссиқ ошинг. Усиз сен бу оламда бир саси йўқ нидосан, Ёнингда у бўлса гар, тўлиб-тошган дарёсан. Доим ёнингда бўлса, уйинг бўстон қўринар, Бир дақиқа йўқ бўлса, уйинг вайрон қўринар. Шунинг учун доимо раҳмдил бўл ёрингга, Кўзингни оч, кулги бўлма, душману-ағёрингга. Душманларинг ундай қил, бундай қил, деб ўргатар, Лекин ўйла, ким қандай рўзгорини тебратар?! Дуч келгани гапига кирверма, дўстгинам, Ҳар уч кунда хотинни ураверма, дўстгинам. Тўғри, хотинни уриш - ишларнинг энг соддаси, Лекин, узокни кўзла, эй, Оллоҳнинг бандаси. Хотин урсанг уйингда ҳеч барака бўлмайди, Бебарака уйдан ғам-у, ташвиш ҳеч аримайди. Шундай экан гапимдан хулосани ўзинг туз, Куч-қувватни Худо берсин, режаларинг бўлсин юз!

Муҳаммад Амин ИРИСКУЛОВ

Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Балиқли кўл қишлоғи

Она муҳабати

Она учун фарзандини йўқотишдан оғирроқ, даҳшатлироқ фожиа бўлмас керак. Мен ҳам эндигина 23 ёшга тўлган, айни ҳаётнинг гаштини сурадиган даврида оғир дардга чалинми ётиб қолган қизимни эсласам ҳамон қалбим оғрийди. Ушанда касалхонада ётгани, операцияга киришдан олдин боласини кўришга интилди, мен буни она сифатида ҳис этиб уйга одам жўнатмакчи бўлганим-да врач: "15 минутдан кейин операция бошлаймиз. Поитхат билан Янгийўлинг ораси 30 км, барибир улгурмайсизлар", - деди. Биз уни бошқа сўзлар билан юпатиб, алдаб турдик. Аммо у барибир кўзи эшикда бўлиб кинидир интиқ қутар, кинидир кўргиси келарди. Хатто операцияга олиб кириб кетишганди ҳам "Ойижон, болагинамни бир кўролмадим-да, энди нима қиламан", - деб йиғлаб юборди.

- Куй, йиғлама қизим, аҳир сен қайтмас бўлиб кетаётганинг йўқ-ку, ҳадемай операциядан чиққунингча ўғлингни олиб келишадди, -дея юпатдим уни.

- Ойижон, мен энди...

- Ундай дема қизим, ундай дема, ёки онангни юрагини хун қилиб йиғлатмоқчимсан? Қизим шўрлик ўша тонда мени йиғлатишни хохламадим қайтиб гапирмади. Уни бағримга босиб ўқдим-да операцияга кир-

тизиб юбордим.

Инсон ўз ўлимининг олдиндан сезар экан, қизим ҳам операциядан чиқмаслигини билган эканми бизни зор-зор йиғлатиб кетди. Орадан бир ой ҳам ўтар-ўтмас у менинг ва сингилларимнинг тушига тез-тез кириб безовта қила бошлади. Тушимизга кириб фақат ўлини кўргиси келаётганими ёки уни олиб кетмоқчи эканлигини айтиб йиғлаб ўтиниб сўрадик. Охири бўлмади, табиб-экстрасенсга бордик. У биздан ҳали ҳеч нимани эшитмасданок гапира кетди.

- Қизингиз жуда қийналай кетди, нега олдирок келмадинглар. Ўғлига меҳри бандан экан. Агар унга ёрдам бермасак ўғлини ўзи билан олиб кетиб қолади.

- Нима қилишимиз керак? - сўрадим.

- Унинг қабри олдиндан қичкинагина қабр қавлаб бир кўгирчоқни қаналлаб қўмасизлар. Албатта унга ҳам жаноза ўқинлар, шундагина қизингиз сизларни тинч қўяди. Қизингизни азобдан қутқаришинг биргина йўли шу, - деди у.

Биз экстрасенс айтгандек қилдик. Шундан кейин у тушимизга қирмай кўйди.

Ширмон онанинг сўзларини

Феруза САИДХЎЖАЕВА

ёзиб олди

Касалликларни янги, юқори сифатли, кафолатланган, 100 фоиз табиий (Франция) махсулотлар билан даволаш усулини таклиф этамиз.

- қандли диабет, бўқоқ;
- инфаркт, инсульт ва операциядан кейин тез тикланиб олиш;
- бронхит астма, аллергия;
- эркаклар муаммолари: простатит, жинсий ожизлик, бепуштлиқ;
- ошқозон-ичакни сурункали касалликлари;
- витилиг, псориаз;

Тел: 144-41-57

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»

Куйидаги пулик курсларга қабул ўзлон қилади:

- энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўлчовсиз тикиш - 4 ойлик;
- пардалар, чойшаблар - турли хил жиҳозланган, бурмали пардаларни бичиш ва тикиш - 3 ойлик;
- машинада гул тикиш - 3 ойлик;
- аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва плащларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик.

Диктант!!! 2001 йил апрелдан бошлаб махсус кичик сурхларга ҳам (3-4 кундан иборат) қабул қилишмоқда ва ўқатишмоқда.

Ҳар кунинг янги тартибда олиб борилган унумли машгулотлар давомида марказ курсларининг ҳар бирини бир ойда ўқатиштиради. Битирганларга диплом берилади. Қабул ҳар кунинг (якшанбадан танқари) соат 10 дан 12 гача.

Маъзилмиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес маъбани, 4-кават, 524-хона.

Мўлжал: Метронинг «Амир Темури» бекати, ДЭУ-Банк. Тел: 76-71-95, 133-73-97 (кечқурун).

Озиш, семириш, ажин, қабзият, хуснбузарлардан фориғ бўлишга ёрдам берамиз. Телефон: 74-71-29.

"BEGOYIM - SERVIS" - ўқув маркази қизларни турли хил курсларга таклиф қилади:

Қизларжон! Сизларни таътил пайтида хунарли бўлиб олишга таклиф этамиз.

1. Сартарошлик - 2 ой.
2. Бичиш-тикиш - 5 ой.
3. Қандолатчилик - 2 ой.
4. Компьютер (бошланғич) - 2 ой.
5. Уй ҳамшираси - 2 ой.
6. Массаж - 2 ой.
7. Косметология - 2 ой.
8. Парда - 2 ой.
9. Инглиз тили (бошланғич) - 3 ой.
10. Олий даражадаги қандолатчилик - 1 ой.

Манзилмиз: "Мустақиллик майдони", Ўрда бекати. Анҳор бўйи 6-уй, "Феруза" тилла магазини орқасида.

Тел: 41-16-63.

Бошқа вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

8-МАРТ САНАТОРИЯСИ ДАРДИНГИЗГА ДАВО БАҒИШЛАЙДИ:

"Салом тахририят! Мен уйланышимга 15 йилдан ошган бўлсам-да ҳамон бефарзандман. Бу дардга даво борми, илтимос сизлардан йўл-йўриқ кўрсатинглар.

Рустам Ф.

Андижон вилояти"

Жинсий ожизлик;

Жинсий аъзоларнинг ўткир шимоллаши;

Жинсий муомаланинг сустлиги;

Ишонсизлик кўринишлари ва бошқа хил жинсий касалликлар даволанади.

Дам олиш масканининг ҳар бир даволаш хонаси замонавий тиббий компьютер аппаратлари билан жиҳозланган. Шунингдек даво муолажа-лари лазер, магнит, балчик, ультра-бинафша нурулари, массаж ва руҳни чиниқтириш йўллари билан олиб борилади. Бу ерда сиз малакали шифокорлар назоратида бўласиз, шизнинг касаллигингиз пухта ўрганилиб тахшис қўйилди ва даво муолажа-лари табиий равишда олиб борилади. Эркакларда учраб турадиган жинсий хасталиклар тажрибали врачлар томонидан текширилиб сўнг даволанади.

Ҳа, айтмоқчи, 8-Март санаториясида яхши ният ила янги оила қураётган йигит-қизлар ҳеч қиланмасдан тиббий кўриқдан ўтишлари мумкин. Бу эса келажақда юзага келадиغان ҳар хил тушунмовчилик ва кўнгилсизликларнинг олдини олади.

Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 8-Март санаторияси.

Мўлжал: Шаҳар тўғрўқхонаси орқасида.

Тел.: 8 - 271 (код) 2-56-09.

Она муҳабати

Она учун фарзандини йўқотишдан оғирроқ, даҳшатлироқ фожиа бўлмас керак. Мен ҳам эндигина 23 ёшга тўлган, айни ҳаётнинг гаштини сурадиган даврида оғир дардга чалинми ётиб қолган қизимни эсласам ҳамон қалбим оғрийди. Ушанда касалхонада ётгани, операцияга киришдан олдин боласини кўришга интилди, мен буни она сифатида ҳис этиб уйга одам жўнатмакчи бўлганим-да врач: "15 минутдан кейин операция бошлаймиз. Поитхат билан Янгийўлинг ораси 30 км, барибир улгурмайсизлар", - деди. Биз уни бошқа сўзлар билан юпатиб, алдаб турдик. Аммо у барибир кўзи эшикда бўлиб кинидир интиқ қутар, кинидир кўргиси келарди. Хатто операцияга олиб кириб кетишганди ҳам "Ойижон, болагинамни бир кўролмадим-да, энди нима қиламан", - деб йиғлаб юборди.

- Куй, йиғлама қизим, аҳир сен қайтмас бўлиб кетаётганинг йўқ-ку, ҳадемай операциядан чиққунингча ўғлингни олиб келишадди, -дея юпатдим уни.

- Ойижон, мен энди...

- Ундай дема қизим, ундай дема, ёки онангни юрагини хун қилиб йиғлатмоқчимсан? Қизим шўрлик ўша тонда мени йиғлатишни хохламадим қайтиб гапирмади. Уни бағримга босиб ўқдим-да операцияга кир-

(Боши ўтган сонларда.)

Инсон зоти бошига тушади ҳам неки кўргулик бўлса ҳаммасига кўникар экан. Мен ҳам ўзим учун энди кизиги қолмаган бу ҳаётга мослаша бошлаган эдим. Аммо ҳаёли-дунёим ҳамон ... акам билан бирга эди. Унинг ҳар бир сўзи, эркалаб юпатишлари қулғим остида жаранглаб турар, жилмайиб қараган сиймоси эса кўз ўнгимдан кетмасди.

Киз бола уйдан ташқари - вояга етдимиз ўз уйига меҳмонга айланаркан. Мени ҳам ота-онам узатиш пайига тушиб қолдилар, мен эса рад жавоби бериб келаман. ... акамни азаси кунлари у кишининг қўллари билан ёзилган хат келди. Ҳайратдан қотиб қолдим. Шоша-пиша конвертни очиб ичидан мактуб дартилган қоғозни олдим. Қоғоз иккита экан, ... акамнинг ҳусниҳати билан ёзилганини олиб ўқий бошладим. "Ассалому-алайкум Наргизам. Соғликларингиз яхшими? Жоним, ушбу хатим жуда қисқа бўладиганга ўшаяпти. Чунки шошилиб ёзаялман. Ҳозир сизни соғинганимдан ҳеч бўлмаса икки мисра ёзиб кўяй дедим. Сизни жудаюм кўргим келаяпти, қачон бирга бўларканмиз-а? Наргизам, юрагимда сизга айтмоқчи бўлган гапларим жуда кўп, Худо хоҳласа уларни сизга албатта айтаман. Хўп хайр, хатни давомини эрталаб ёзаман..."

Хатни ўқиб бўлиб ундаги санани қарадим, бир ой олдин ёзилган экан, демек ... акам ўлимидан олдин ёзгану жўнатилмай қолган. Оғир хўрсиниб қўйиб хат билан келган иккинчи қоғозга кўз югуртирдим.

"Хурматли Наргиза Валиева. Биз ҳарбий бўлишга раҳбарияти, ...нинг ўлими олдиндан ёзган мактубини юбориш билан сизга шуни алоҳида қайд этган ҳолда маълум қиламизки, сержант ... чегара чизигида тунги қорувуликда турганида Ватанимиз чегарасини бузиб ўтмоқчи бўлган душман билан отишмада мардларча ҳалок бўлди. Ватан олдидаги бурчинсон учун муқаддасдир. Сержант ... Ватан олдидаги ўз бурчини оқлади, у ўз она юртини террорчи газандалардан ҳимоя қилиш учун ҳатто ўз жонини ҳам аямади. Сиз шундай йигит билан ҳаёт ришталарингизни боғламоқчи бўлганингиз билан фахрлансангиз арзийди. Сизга камоли эҳтиром ила командир Б. Қодиров. ... йил."

Мактубни ўқийверибману кўзларимдан дув-дув ёш оқаётганлигини сезмай қолибман, хатни баргимга босиб йиғлаб юбордим.

Ҳаётда бир йигит мени ўқий жойимга излаб келибди.

- Исмнинг Наргизами?

- Ҳа, нима эди?

- Мен ... бек билан бирга хизматда бўлганман.

Жисмимда ширин бир туйғу ўрмалаб кўзимга ёш куйилди. Йигит буни сизди шекилли

гапиришдан тўхтади.

- Уни юракдан севаркансиз, Худо раҳматлини айтганича бор экан, мен уни илтимосини етказгани келган эдим. Юринг, бирор жойда ўтириб бафуржа гурунглашамиз. Мен сизга уни охири сўзларини, васиятини айтгани келдим.

Канални биқинида қурилган ёзги кафега бориб ўтирдик.

- Аввал музқаймоқ еб юрагингизни яхтайроқ қилинг, кейин гапираман, йўқса яна

ҳаётим учун эмас, Наргизамнинг бахтини ўйлаб айтаялман. Унингдек вафодор, муҳаббатига содиқ киз дунёда топилмаса керак.

- Кўнглингизни тўқ қилинг, ҳадемай у қизни висолига етиб, бахтиёр оила қурасизлар.

- Фанишер, биз салкам бир-биримиз билан тенгдош эканмиз, илтимос, агар мен ўлиб қолсам бориб айтинг деб кўп куймасин. Ахир инсон

рили қолаётгандек сездим ўзимни.

Ҳа, синглим, Ватан учун кураш бўлаётган, жон олиб жон берилаётган майдонда биз ҳаммамиз ака-укадек эдик. Гарчи бир-биримизни танимасак-да шу юртнинг фарзандларимиз. Хизмат олдиндан Ватаним худудига фарзандларимизга қадам босганларни ер билан яқсон қилишга, халқим тинчлигини асрашга, Президентимизга содиқ қолишга қасамед қиламиз.

Вертолёт осмонга кўтарилди, кўздан йўқолгунга қадар орқасидан қараб қоларканман кўнглим чўкиб оғир хўрсиниб қўйиб Оллоҳдан унга умр тилаб дуо қилиб қолдим. Эртаси кунни врачимиздан эшитдим, ...бек касалхонагача боролмапти, йўлда жон таслим қилибди. У ўзига мени шунчалар яқин олиб дардини айтиб илтимос қилиши негадир виждонимни уйғотиб юборган бўлди.

...бекдек Ватан хоинларига қарши, юртфуруш босқинчиларга қарши жанг қиламан, ҳалок бўлган тенгдошларимнинг қасдини оламан деб мен ҳам командиримизни олдига кириб илтимос қилдим. Бир ҳафта жанг қилишга улгурдим. Биз енгдик, қисқа вақт ичида ўзга юртнинг остонасига фарзанд билан кириш қанақа бўлишигини, бунинг оқибати аччиқ тугашини исботладик. Улар ҳатто ортга қайтиб кеттишга ҳам улгуришмади. Яна

кишининг бағриларида ўсиб ётган ўт-ўланларни қучоқлаб баъзида йиғлаб ҳам оламан. Барибир у киши васият қилгандек бошқа бировни ҳиссамандайман.

Наргиза гапини тугатар экан оғир хўрсиниб қўйди. Қизғин суҳбат билан бўлиб қабристон дарвозасига яқинлашиб қолганимизни сезмабмиз.

- Аскар йигитнинг ота-онаси сизни ўғли билан аҳду-паймон қилиб қўйганингизни билармиди?

- Йўқ, у киши буни хизматдан қайтгач айтаман, ҳозирча бу бизни сиримиз бўлиб қолақолсин, дегандилар.


- Уларни билишини истасизми?

- Йўқ. Сиздан илтимос, улар шундоғам ўғилларини дардида қуйиб бўлишган. Мен ҳақимда билмаганлари дуруст. Биламан, сиз барибир мен ҳақимда қачонлардир ёзасиз. Мен бунга қарши эмасман. Фақат исми-шарифини қўйманг ёки алмаштиринг. Менинг кимлигим ҳамма учун сир бўла қолсин.

Мен Наргиза билан хайрлашиб ўз манзилим томон борарканман миллатимнинг шундай севгисига садоқатли, ўз аҳдига вафодор, нафақат жисму-жамоли балки қалби гўзал кизлари борлигидан, уларнинг айнан шундайин бегубор, содда аммо ноёб ҳис-туйғулари чашмасидан сув ичиб мардонавор йигитларга айланаётган алпомишкелбат жасур ўғлонлар туғилаётганидан мағрурланиб, қалбим ифтихорга тўлди. Бундай мард ўғлонлар она - Ватанларини, севиқли ёрлари, мўтабар онаизорлари яшаётган Ўзбекистонни ҳеч кимга бермайдилар. Ҳа, инсон учун киндик қони тўқилган ерни, юртни ҳимоя қилиш ўз ҳаётидан-да азизроқ саналади. Мен буни илк бор ижодкор сифатида каттакўрғонлик мард ўғлон мисолида Наргиза захондан эшитиб тан бердим. Илоҳим руҳларинг шод бўлиб жойинг жаннатда бўлсин. Илоҳим васиятинг ижобат бўлиб Наргизахон ўз бахтини топиб бир оиланинг севиқли бекасига айлансин.

МУАЛЛИФДАН:
Ҳикоя қаҳрамонининг исмини ўзгарттирдим. Балки ўша аскар йигитнинг ота-онаси ёки қариндош-уруғлари у қизни кимлигини билмоқчи исташар. Илтимос сизлардан, биз бу сирни очолмаслигимизни тушунишлар. Фақат, фахрланиб билиб қўйингларики сизларнинг ўғилларингиз бир қиз сочини силамай оламдан ўтган эмас, у севиб-севиқли, муҳаббат дея аталмиш сирли оламнинг тотли лаззатидан бировгина бўлса-да баҳраманд бўлиб кетган. Шунинг ўзи сизларга тасалли бўлсин деб ушбу ҳикояни ёздим.

Дилшод ҚҮЛДОШЕВ



МУҲАББАТ МАЛТКАСИ

йиғлаб юборасиз, - деди йигит музқаймоқ олиб келиб кўяркан.

- Мени исмим Фанишер, ...бекдан бир "призив" кейин хизматга борганман. Биз касалхонада танишганмиз.

- У кишига ўқ текканмиди?

- Ҳа, бир эмас учта ўқ теккан эди. Уни дала госпиталига олиб келишганида ҳолдан тойиб кўп қон йўқотган экан. Мен врач ёрдамчисин эдим.

Биз унга тезлик билан қўлимиздан келган биринчи ёрдамни кўрсатдик. Врачимиз ахволи оғирлигини, тезда марказий касалхонага жўнатмаса бўлмаслигини айтиб вертолёт қақиргани чиқиб кетди. Шунда биз яккама-якка қолдик. ...бек мени қаердан эканлигини сўради. "Нуротаданман", - дедим. Унинг юзи пича ёришиб, «Мен Каттакўрғонданман, исмим ..., сизникичи?» деб сўради.

- Фанишер, - дедим.

- Сиздан илтимос Фанишер, мабодо мен тирик қолмасам бизни Каттакўрғонга бориб шаҳардаги педтехникумдан Валиева Наргизани топиб мени гапларимни етказиб қўйинг!

- Ундай деманг, сизни ярангиз жиддий эмас, узоғи билан уч кунда тўзалиб кетасиз.

- Ишқилиб айтганингиз келсин-да, соғ қолсам яхши бўларди, мен буни ўзимни

бу дунёга кимгадир аза очиб яшагани келмайди-ку. Айтинг, қаттиқ илтимос қилди денг, турмуш курсин. Агар лозим топса ўғил кўрганида мени исмимни қўйсин.

- Нималар деясиз дўстим, мард, жасур аскар ҳам шундай совуқ ният қиладими, қўйинг-э.

- Негадир кўнглим сезаяпти, мен энди Наргизамни кўролмасам керак.

Шу пайт палатага шошиб врач билан тўрт аскар кириб келдию суҳбатимиз узилди. Уни олиб чиқиб кетишди. Вертолётга олиб чиққунлари-ча унинг орқасидан юпатиб, кўнглини хотиржам қилиб бордим.

- Мени гапларим эсингиздан чиқмайдими Фанишер?

- Эсимдан-ку чиқмайди, аммо сиз соғайиб, ўзингиз бориб айтасиз.

- Худо айтганингизни ўнг қилсин, негадир ҳеч ўлгим келмаяпти.

- Ўзингизни босинг, сиз ҳали ўлмайсиз, Наргизанинг олдига ўзингиз бориб қувё бўласиз.

Қўл сиқишиб хайрлашдик, негадир юрагим гаш бўлиб кўнглим тўлиб кетди, қорачиларимдаги намни артарканман танишганимизга ҳали бор-йўғи ярим соат бўлган бўлса-да худди қиёматли дўстимдан, қадрдонимдан ай-

5 ой хизмат қилиб уйга қайтдим. Келганимга энди бир ҳафта бўлди. Мана, сизни излаб ...бек дўстимни илтимосию сўзларини етказгани келдим.

- Келганингиз учун раҳмат. Лекин мен энди турмуш қурмасдан у кишининг муҳаббати билан яшашга аҳд қилганман.

- Ақлингизни йигинг Наргиза, демек сиз учун ...бекнинг илтимосию васиятининг қадри йўқ экан-да, демек уни хурмат қилмас экансиз-да? Наргиза, мен сизни бир кўришдаёқ тушунган киз бўлса керак деб ўйловдим. Сиз киз боласиз, қолаверса, ҳаётда ўз ўрнинингизни топишингизни, оилали бўлиб яшашангизни ...бекни ўзи васият қилиб кетган.

Кафедан чиқиб меҳмон йигит билан хайрлашдим.

Ўша тун тўшимга ... акам кирибдилар. Биз бир-биримизга узоқ сукут сақлаб текилиб турибмиз, кейин у киши қуюқ туман ичига йўқолиб кетибдилар. Эрталаб руҳим енгил, кайфиятим чоғ бўлиб уйғондим, чунки ҳали шу пайтгача бирор марта у кишини тушимда кўрмаган эдим. Мана бугун Хотира ва кадрлаш куниям ... акамни йўқлаб келгандим. Аслида ҳар шанба кунни келиб зиёрат қилиб кетаман. Биз соатлаб беун суҳбат қурамыз, у

МЕХРИ ДАРЁ ОНАГИНАМ...

Мен айовнда ўтириб ҳовли юзида ўйнаб юрган болаларимни кузатардим.

- Хой, укангни эҳтиёт қил, йиғлатманлар, - дердим. Чунки кенжа ўғлимни ҳаммасидан кўпроқ суюрдим. Шу вақт дарвоза очилиб жияним кириб келди. "Аммажон, бизникига бораркансиз, онам айтиб юборди, сизни соғинибди", - деди. Мен уй юмушларини бажардим-да, болаларимнинг отасидан руҳсат олиб, кенжа ўғлим билан йўлга чиқдим. Мана, болалигим беғубор, беўксиз ўтган она уйимга етиб келдим. Акажонларим, аяллар доимгидан ўзгачароқ, меҳрироқ кутиб олдилар. Ҳовлимизни кўрки бўлган онам ўтирган сури ҳам бу сафар кўзимга бошқача кўринди. Онам билан кўришарканман вужудимни негидир таърифлаб бўлмайдиган хис чулғаб олди. Ҳаммамиз дастурхон атрофида ўтирдик. Назаримда сиз онажонгинам кичкинтойлигимдан мени ҳаммадан кўпроқ яхши кўрардингиз. Чўнтақларингиздаги новотлар-у майизларингизни фақат менга иллардингиз. Бу сафар ҳам ошнинг гўштини менга бердингиз. Акаларим маъноли қараб кулиб қўйдилар. Мен бўлсам сиздан олиб ўғлимга бердим. Шунда сиз менга маъноли боқиб бир нима демокчи бўлдингизу айтмадингиз. Балки дилимни оғритиб қўйишдан ўзингизни тийдингиз. Уйга қайтар чоғимизда сиз менга яна бирпас ўтир деб имо қилдингиз. Даврадагилар ўз ишларини баҳона қилиб бизни ёлғиз қўйдилар. Шунда сиз кўзларимга маъноли боқиб: "Болам, мен ҳам қариб қолдим. Мендан рози бўлгин", - деб кўзларингизни бир зум олиб қочдингиз. Бир дақиқа юрагим тўхтаб қолгандай бўлди... Кулоғимга бошқа гапингиз кирмасди. Боламни чиқираб йиғлагани ҳам хаёлимни буза олмас, кўзларимни сиздан торта олмасди. Кўзларимга ишонмасдим. Бу кўзларим энди очилгандай эди. Сизни энди кўраётгандай эдим.

Онажоним, юзларингиз сўлиб қолган гулни эслатар, қошларингиз қиров тушган майсадек, кўзларингиз-чи - онажоним,

кўзларингиз булут ортида қолаётган хира юлдуздай мўлтирларди. Лабларингиз, юзларингиз офтобдан қуриб ёрилибди. Ох, менинг меҳрибон онажоним - ростдан қарибсиз. Кўларингиз офтобдан қорайиб қуйиб кетибди. Мен нодон кўзингиз ҳар доим сиз берган нарсаларни олибман-у, лекин бирор марта кўларингизга, юзларингизга аҳамийат бермабман. Мен ўттиз бахорни кўргунимча, болалигимда уйин-кулгуга, вояга етганимда эса ўқишга овора бўлибман. Севиб-севилиб, оила курганимдан сўнг эса эрим, болам-чақам деб

Фақат сизга аталган сўзим



юраверибман. Ох онагинам, юрагимнинг қуваги, кўзларимни нуру гавҳари, ҳаётимнинг бор қувончи сиз эканлигингизга ҳозир икром бўлдим, онажоним. Ҳаёт бунчалар ширинки кўнглинг шодлиқдан яйрайди. Ҳаёт бунчалар аччиқки, кўзинг аччиқ ҳақиқатдан ёш тўкади.

Кўзларингизга бу кўзлар-ла қандай боқаман, Шу дақиқа ёнингиздан қандай кетаман, Меҳрибоним кечиргайсиз гўр кўзингизни,

Юрак ютиб розилигим қандай айтаман. Айтмай десам овозимдан бир олов чиқиб, Тилларим олов ичра ёниб кетади. Айтмай десам бу тилларим чўққа айлиниб, Қалбга тушиб бу дилгинам куоиб кетади! Розичилик сўраб мендан меҳрибон онам, Сени ташлаб мангуликка кетаман деманг. Оллоҳимни инояти бу, йиғлама болам, Ўзга чора йўқ, асло нетаман деманг! Ё раббим кўнглим чироғин ўчирмагин! Қалбдаги қувончини қайғуга қўчирмагин. Мен онамни рози қилмагунимча, Онамни бу дунёдан изин ўчирмагин!

Онажон, кеч кўзи очилган эрка қизингизни кечиринг. Мен она бўлсам-да, сиз учун ҳамон бола эканлигимни, менинг фикру хаёлим болаларимда бўлса-да, сизни меҳр-мурувватингиз мендалигини, мен болаларимга дуо фотиҳа қилсам-да, сиз менга тинимсиз дуолар қилганлигингизни, оналик меҳр-туйғуси шуналар беминнат, беўлчов эканлигини она бўлиб тушундим!

Онажон, мен сиз ҳақингизда қанча сўзласам, қанча қуйласам ҳам бир бора суюб бағрингизга босганингизча, мени бир бора эркалаб ўпганингизча сизни хурсанд қилолмайман! Меҳридарё онагинам, сизни беғубор кўнглингиз қайси фарзандни рози қилолмайди. Мен сиздан розиман десам, худди сиздан айрилиб қолаётгандай кўркаман! Шунинг учун сизга бу дилономамни мана шу рўзнома сўзлаб берсин. Онажон, мен сиздан чексиз миннатдорман! Чексиз розиман - меҳридарё меҳрибоним!

Ох, дўстларим кўзингиз очинг! Онажонингиз қариб қоляпти: Юмушларни бир четга суриинг! Кунлар тез-тез ўтиб борапти: Сўпачада чўққайиб сизни, Онажонингиз кутиб қоляпти...

Ёқутхон КАҲҲОРОВА

Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, "Полосон" қишлоғи



ЎҒЛИМ, СЕНГА АЙТАМАН

(Боши ўтган сонда.)

Ёдингга бўлсинки, "ўғил" дегани "норғул" дегани! "Йигит" дегани "боргут" дегани ва "ўғлон" дегани "полвон" деганидир! Бошқача бўлишга ҳаққинг йўқ, балки полвон бўлишинг қийиндир, аммо полвонликка интилишинг шарт, чунки сен ўзинг туғилган остонанинг бору йўғига жавоб берасан. Мўйлабинг сабза ургандан бошлаб, отанг четга чиқиб, уртага сен тушасан. Энди посбон ўзинг, уйингдагилар бошига қор-ёмғир ёғмайдиган ёпинчиқ ўзинг, уларнинг кўча ишларини тенг бўлишадиган суянчиқ ўзингсан. Қоматингга, феълингга бир назар сол-чи, шу юмушларга ярайсанми ё йўқ? Ўғил боланинг ўзи ҳам, сўзи ҳам йирик бўлиши керак! Ҳамма онасидан бир парча эт бўлиб туғилади. Оилангга қўрган бўлмоққа Бўлимли бўлишинг керак - бунинг учун аввало мушакларингни чиникитди. Аёлингга, болангга сарбонликка яраш учун Илмли бўлишинг керак экан, демак, биринчи ишинг уйлангунча илмли, хунарли бўлиб олишидир!

Ўғлоним, "шаън" деган қиммат-баҳо сўз бор, уйда сен туриб, оиланинг жисмоний ишларига ота-онанинг бошқаларга юкиншларни ёки сен турганда болга, кетмон кўтариб юришлари "биз яроқсиз бола боқиб қўйдик, на қилайлик" дея сени эл ўртасида сазойи қилишлари билан тенгдир.

Сени бутунликка етаклайдиган нарсаси "Йигитманми, йигитдай бўлишинг шарт" деган Ориятдир! Ўғлоним, умринг бўйи ўзингни "сен"-лаб, Ориятни "Сиз"лаб ўтгин! Бўйингдан ориятинг баланд бўлсин! Ўғил боланинг биринчи ярашиғи шу!

Йигит киши кўча одамидир. Бу дунёнинг кўчада битадиган энг оғир ишларини эркак бажаради. Кўчада яхши-ю ёмон кўп. Йигит киши қадамига уларга рўбарўдир... Шунинг учун унинг тафаккури ҳаммаша тахлилда бўлиши керак. Бир кўзинг билан уйингни кузат, бир кўзинг билан кўчани. Отанг меҳнатқаш, уйим-жойим дейдиган бўлса, андо-засини астойдил ол. Аммо сустроқ бўлса, буни ўзига писанда қилма, лекин шу армон сенга куч берсин, кўчадаги яхшиларни сиңчқовлик билан ўрган, ташқаридан ўргангин билан ичкарингни тузат. Бу ишинг ҳар тарафлама савоб бўлгуси: аввало отангинг айтини ювасан, қолаверса, онангнинг армони оласан! Ва шу тарзда ўзингни юксалтириб борасан. Луқмони ҳақимдан: "Қандай қилиб бунчалик даражага эришингиз?" - десалар, "Ёмон ишларини тескарисини қилиб" - деб жавоб берган экан. Ота-онанинг хатоларини кўзга суртиб юриб тузатмоқ ҳам ўғил фарзанднинг ишидир. Сен оғринмай шундай қилавер, роҳатини ўғлингдан кўрасан...

(Давоми бор)

Турсуной СОДИКОВА

ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ БАХТУ ИҚБОЛИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Сирдарё вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида Меҳнатобод туманида Муस्ताқилликнинг 10 йиллиги муносабати билан "Ўзбек аёлининг бахту-иқболи" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари,

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятдан

республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Ғуломова бошқарди. Юрт озодлиги - мустақиллиги мисоли бир кўёш янглиғ ўзбек аёлининг ҳаётини нурга ўради, руҳини юксалтирди.

Аёл-онанинг бу ҳаёт неъматларидан тўла баҳраманд бўлиши, оиласида ва жамиятда кадр-қиймат топиши, қаддиқоматини баланд тутиб яшаш учун мамлакатимизда барча имкониятлар яратилган. "Инсон манфаатлари", "Оила", "Аёллар", "Соғлом авлод", "Она-

лар ва болалар йили" сифатида нишонланаётган йиллар учун Ҳукумат миқёсида Дастурлар тузилиб катта амалий ишлар қилинаётганлиги бунга яққол далилдир. Аёл - она ҳам, унинг дилбандлари-фарзандларимиз ҳам соғ-омон, маърифатли, маънавиятли бўлиши, ижтимоий жиҳатдан муҳофазаланishi ҳукуматимиз фаолиятининг бош

йўналиши, маъно-мазмунини ташкил қилади. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Ғуломова, Республика Ижтимоий фикр Маркази бошлиғи Р. Убайдуллаева, Республика Маънавияти ва маърифат маркази бўлим мудири, шоира Т.Содиқова, "Саодат" журнали бош муҳаррири Ойдин Ҳожиева ва бошқалар ўз нутқларида ана шулар ҳақида гапирдилар. Тадбирда Аёл - Онани мадҳ этувчи шеърлар, кўшиқлар янгради, рақслар ижро этилди.

М. КАРИМОВА

«Оила ва жамият»га жавоб келди

КАМЧИЛИКЛАР АНИҚЛАДИ

Б. Арзиқулованинг "Оила ва жамият"га ёзган аризаси бўйича масъул ҳодимларимиз Сурхондарё вилояти, Кумқўрган туманига хизмат сафарида бўлишиб, унда кўрсатилган барча ҳолатлар ўрганилди. Б. Арзиқулованинг марҳум отасига нисбатан қилинган қотиллик жиноятини очиш борасида йўл қўйилган камчиликлар жойида аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди ҳамда бу ҳақда ариза муаллифига маълум қилинди.

Бош Бошқарма раҳбарияти ушбу содир этилган қотиллик жиноятини фош этиш борасида зарурий чоралар кўриб, ишни ўз назоратида олди.

Д. БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув 2-бошқармаси бошлиғи

ЯХШИ ИНСОН ЭДИ

Раҳматли Жалолиддин ака билан кўшни яшардик. У кишини эсласам, жудаям ачинаман. У киши жуда ёш, 35 ёшида оламдан ўтиб кетдилар. Менга қилган яхшиликларини қайтаролмадим, шундан ҳамон афсусдаман. У киши том маънода яхши инсон эди. Бошимга оғир кун тушганида ўзлари ҳам, хотинлари ҳам ёрдами-ни сира аяшмаган. Хотинлари жуда чиройли, табиятан меҳрибон, оилапарвар инсон бўлиб, уч ўғли билан ёлғиз қол-

ди. Хар гал уларни кўрганимда беихтиёр "Э, бевафо дунё", деган ўкинчли фикр кечади кўнглимдан. Жалолиддин ака эрта билан ишга ўз машинасида чиқиб кетади ва ишдан тўғри меҳнат сафарига жўнайди. Самарқанд йўлида эса автохалол рабди. Уша пайтда турмуш ўртоғи хомилдор эди. Кўп ўтмай дунёга келган ўғлига Ёдгор деб исм қўйишди.

Хотира - муқаддас

Зебо НОРОВА
Юнусобод тумани

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТНИ КЕЧ АНГЛАДИМ

1999 йил 1 май куни меҳрибон дадажонимдан айрилиб қолдим. Яратган эгам дадажонимни орамиздан эрта олиб кетгандан бери бу ҳаёт мен учун қоронғудек бўлиб туолади. Дадажонимга жудаям суяниб қолган эканман. Соғинганимда бу бошимни қаерга уришимни билмай "дод" дегим келади. Яна ҳам Худони қаҳри келмасин, деб тақдирга тан бераман. Бизлар ҳаммамиз бу беш кунлик дунёда меҳмонимиз. Фоний ҳаётда ота-онамиз омонат эканлигини жуда кеч англадим. Ота-онамизни соғ-саломат юришларини ўзи бир давр экан. Эрта улардан айрилиб қолганимизда уларнинг босган изларини топол-

май бир умр армонда ўтамыз. Ота-онангизни асрангиз, дилини оғритмангиз, нимаики яхшилик қилсангиз, қанча хизматини қилсангиз кўзи очиклигида, тириклигида қилингиз, ўтиб кетгандан кейин қанча фарёд қилманг, бошимизни тошга урманг, ҳаммаси бекор. Ота-онангиз қайтиб келмайди. Бу ҳаёт шунчалик мураккаб, ҳар бир ишنى уйлаб қилинг. Сўнг кеч бўлади. Меҳрибон онажоним бахтимизга ҳали ҳаётлар. Илоё, онажонимнинг умрлари узоқ бўлсин, фарзандлари ҳузурини кўрсинлар, деб

Шодиҳон НИЗОМОВ
Самарқанд вилояти,
Оқдарё тумани

Гулжамол АСҚАРОВА:

ХАЛҚИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН



Гулжамол Асқарова кўхна Самарқанд вилоятининг Бешдарғат қишлоғида туғилган. ЎзМУ журналистика факультетини тугатган. "Дил фасли", "Рўшнолик" китобларининг муаллифи. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг соҳибаси. Яқинда Гулжамол редакциямиз меҳмони бўлди.

Озгина вақт қишлоғим ва ота-онам бағрида бўлдим.

- **Ортимизнинг сара қизлари сафида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлдингиз. Бу мукофотнинг масъулиятини ҳис этаяписизми?**

- Албатта, бу масъулият ҳазилакам эмас. Оддий қишлоқ қизига насиб этган бахтдан фахрланаман. Мукофотга адабиёт йўналиши бўйича тавсия этилгандим. Ижодим билан халқимга хизмат қилишим керак, деб ўйлайман. Бундан бошқасини тасаввур ҳам қила олмайман. Шеърят - бу тақдирим. Бундан кейинги ижодимни Ватанимга бахш этаман.

- **Кўп қизлар сизга ҳавас қилишади. Сиз бахтлимисиз ёки армонларингиз ҳам борми?**

- Ўзим истаган, эзгу орзуларимга тинимсиз изланиш ва меҳнатим билан эришиб келаялман. Армонларим йўқ деб ўйлаб юрсам... Бир куни қишлоқ-



даги дугонам ўғлининг суннат тўйига қақриб қўлимга тақрифнома тутқазди. Биласизми шунда... «Мен ҳаётда кечикмаялманми?» - деган ўйлар калбимдан кечди...

- **Гулжамол! Сиз бир суҳбатда болалик, ёшлик, балоғат, севги бекатлари ҳақида гапирганингиз...**

- Ҳа, умримиз гўё йўлга ўхшайди назаримда. Биз эса ҳар бир бекатларда

тўхтаб-тўхтаб, унинг кейинги манзилларига интилаемиз. Ҳар бирининг ўзига хос гаши, орзулари бор.

- **Сизга умрингизнинг барча бекатларида шодлик, бахт ёр бўлсин. Севги бекати эса бир куни бошингиздан бахт ва садоқат гуллари сочиб кутиб олсин...**

Суҳбатдош:
Басира САЙИДАЛИЕВА

САМАРҚАНД

Қандоқ сени ташлаб кетдим-а, Эй отамга ўхшаган тупроқ. Тушларимга кириб ҳар туни, Шохизинда беради сабоқ. Сизга бу юрт тирноғим бермас, Эй ёғийлар, эй дунёпарастлар. Бир кафтгина тупроқ қизганган, Оёғимга ўралган хаслар. Қизим қақшаб тупроғим демас, Ўғлим улаб бормаёйди балким. Лек ҳар кеча қон-қонлар қақшаб, Самарқандга кетар юрагим. Гулга ўраб таним ёқса ҳам, Тупроғимни топгайдир кулим. Фақат олиб кетолгай мени, Самарқанддек муаззам ўлим! Таним қолмас хор кўчаларда, Бир кун келиб кучса оғир дард. Шеърга ўраб, елкаларида Олиб кетар мени Самарқанд.

ОТАМГА МАКТУБ

Мен булутни оқ деб юрибман, Юрагингиз бунча оқ, ота? Тошкентда ўйнаб юрибман, Дунё менга ўйингоҳ, ота. "Кайфиятинг қандай", - дейсизми? Доимгидек кўнглим чоқ, ота. Кўзmunчоқлар бермасин онам, Худо менга кўзmunчоқ, ота. Дуоларинг асрайди мени, Кўнглим - мангу яшил боғ, ота. Ёлғонларга ўргатмаганиз, Ҳақни излаб дилим доғ, ота. ... Ростин айтиб қўйдим барибир, Юрагимда минг ямоқ, ота. Қайтгим келар қишлоққа буткул, Бунча оғир яшамок, ота? Артолсадим этгингизни, Ер қаттиғу кўк йирок, ота. Ўлиб яшар оёғингизни, Тупроқ мендан бахтлироқ, ота. Қайтгим келар қишлоққа гоҳи...

лик" китобларининг муаллифи. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг соҳибаси. Яқинда Гулжамол редакциямиз меҳмони бўлди.

- Гулжамол, анчадан буён Тошкентда кўринмадингиз...
- Менми?.. Очиғини айтсам, бу ерга тўғри қишлоғимиздаги пахта дала-ларидан чиқиб келаялман. Акамнинг тўйи муносабати билан Тошкентга йўлга чиққандик. Бу йил ЎзМУ журналистика факультети қошидаги магистратурага кириш орзусидаман.

МУҲАББАТ

Кимларгадир мен тунман, кимга эса кундузман, Хазин кулган, нурга тўлган, тонгда сўнган юлдузман, Кимларгадир дарду алам, кимга эса бир сўзман, Аслида мен муҳаббатман, муҳаббатман, муҳаббат.

Кимларнингдир осмонда чарақлаган кўеши, Кимларнингдир кулгулари, кимларнингдир кўз ёши, Мен бир азоб, кимларнингдир етмагандир бардоши, Аслида мен муҳаббатман, муҳаббатман, муҳаббат.

Кимларгадир мен бир гулман, боғин гулзор айлаган, Кимларгадир шўх булбулман, куйин бисёр айлаган, Кимларгадир маъсум дилман, ўзин ночор айлаган, Аслида мен муҳаббатман, муҳаббатман, муҳаббат.

Кимларгадир мен ошиқман, яна кимга мафтунман, Кимларгадир мен Лайлиман, кимга эса Мажнунман, Кимларнингдир дил тубида тилга чикмас бир унман, Аслида мен муҳаббатман, муҳаббатман, муҳаббат.

Кимларгадир мен оловман, хонумонин кул қилган, Кимларгадир шамчиқроқман, дилин обод, нур қилган, Бир гаройиб мўъжизаман, Лайло дардин шеър қилган, Аслида мен муҳаббатман, муҳаббатман, муҳаббат.

Хоразм вилояти,
Хонка тумани

Лайло ОТАЖОНОВА

ХИЁНАТДАН ҚАЙТИНГ БЕГИМ

Бедор бўлиб кўз тикамиз йўлингизга, Фарзандингиз муштоқ сизнинг меҳрингизга. Мен маҳталман битта ширин сўзингизга, Аллоҳ инсоф берсин, бегим, ўзингизга. Ўтинаман, ортингизга қайтинг, бегим, Фарзандингиз кўз ёшларин артинг, бегим. Кўзларимга кенг дунёни тор айлаган, Фарзандини дийдорига зор айлаган. Айтинг бегим, сиз эмасми ул бевафо? Пок севгимни хиёнат-ла хор айлаган. Ўтинаман, юрагимни тилманг, бегим, Болангизни тирик етим қилманг, бегим. Уфққа аста бошин қўйиб ботган кўёш, Субҳидамда қайтар яна самосига. Аммо биздан кечиб кетган ул бағритош, Кўёш мисол қайтармикан оиласига.

Маъмура НАРЗИЕВА

Навоий шахри

Газетхонларимиз ижодидан

МОТАМИМ ЭСИМДА...

Ўлганман, Мотамим эсимда: Эркалар, аёллар келарди. Болалар, катталар этагин ушлаб, Гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб юрарди. Бир ёнда кайнаган самовар, Гуриллар қозоннинг тағида олов. Йигитлар, келинлар тинмайин Меҳмонларга ташир нон, шўрва, палов. Тортишиб, чуғурлаб қизчалар, Кимгадир махлиё боқмоқда. Бурчакка тортилган оқ кафан, Ортида кўз ёшлар оқмоқда. Кун оғди, ғовурлар пасаиди, Одамлар тарқалиб кетишган. Тўрдаги келинчак кўзига, Жон берган юрагим қўмилган.

Азамат ҚОРЖОВОВ,
СамДУ ўзбек филологияси талабаси



МУШТОҚЛИК

Иссиқ меҳринг тарқ этиб кетди, Аччиқ алам келмоқда излаб, Нафратга учраган сўзларим, Совуқ тошдай турибди музлаб. Шивирлаб ёғади ёмғирлар, Булутни истаги ушалар, Дўстига бевафо япроқлар, Йўлимга гиламдай тўшалар. Шамоллар кезади шамоллар, Хазонлар қадрига ачиндим. Ишон, мунгли дилим қўшиги улар, Сен мени тушунгин, тушунгин...

Саодат САБО

Оқдарё тумани

ШУЯМ КЕЛИН БЎПТИМИ?

(Ярим ҳазил, ярим чин)

Қайнота ким, қайнона ким билмаса, Ҳатто кўёвни ҳам ҳурмат қилмаса, Шўям келин бўптимми?.. Уй сирини кўча-қўйга ташиса, Шўртка оватқат қилиб бошин қашиса, Шўям келин бўптимми?.. Эр уруғин турткилаб ҳеч суймасдан, Ҳўнғилласа ковагидан чикмасдан, Шўям келин бўптимми?.. Дастурхонда меҳмонга ҳам қарамай, Шаппа-шаппа ошни урса уялмай, Шўям келин бўптимми?.. Илон пўстин ташлагувчи гап қилса, Кўринганга захрин сочиб ковогин уйса, Шўям келин бўптимми?.. Қаймоқ ялаб, суймаса мол соғишни, Иш деганда қочиб, ошга бош бўлса, Шўям келин бўптимми?.. Оғзи шалок, ҳаққатумшўқ бўлса гар, Бўлар бўлмасга ҳам бирдан ёнса гар, Шўям келин бўптимми?.. Ёлғон-яшиқдан лоф урса гупуриб, Қайни уйин қўймаса ҳеч супуриб, Шўям келин бўптимми?.. Ётаверса соат тўққиз, ўнғача, Қўйлагини ювса кейин кечғача, Шўям келин бўптимми?.. Кўз очмаса юз бор даққилар ебон, Яна, кетса келган йўллари томон, Шўям келин бўптимми?..

Дилшод ЙИГИТАЛИЕВ

Бағдод тумани

САВОЛ-ЖАВОБ

(Ҳазил)

Аёл боқиб ёрин кўзига, Деди секин унинг ўзига: - Ичбисиз-а бугун ҳам қаранг, Қошларингиз чимрилган таранг. Йигит эса бир кулиб қўйди, Ичганини ҳазилга йўйди: - Меҳмон қилган бегона эмас, Улуғлар-ла ичмок ҳам шараф. Ҳатто шохлар қайтаролмаган, Қайнотаси узатса шароб...

Абдусаттор ҲОҒУРОВ

Бешарик тумани

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳдид қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35
Котибият, хатлар: 34-25-46
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-наси. Манзил: Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 20.35

Босишга топширилди - 20.00

Газета таҳририят компьютер базасида терижди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { яқка обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган. Буортомга Г - 2626. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ. Баҳоси эркин нарҳда. Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ. Рассом — Набижон ХОЛМУРОВ. Навбатчи - Муталлиф СОДИКОВ.